



100 китоб
тўплами

ҚОРАМОЛЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ



68-КИТОБ

AGROBANK

100 китоб тўплами

ҚОРАМОЛЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

68-китоб



636
K 59

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпланда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажақда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-муноҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштираимиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мул-қул, даромадингиз баракали бўлсин!

resurs markazi

Inv № 8p 333 80.

**Рустам Маматқулов,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси.**

УЎК 636
КБК 45/46
Ч 77

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:

Қ.Ж.Шакиров – Тошкент давлат аграр университети “Умумий зоотехния” кафедраси доценти, қ.х.ф.д.

Тақризчилар:

А.Х. Холматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Иммуногенетика лабораторияси мудир, қ.х.ф.н.

Н.Т. Шоймуродов – Тошкент давлат аграр университети “Умумий зоотехния” кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

Лойиҳа иштирокчилари: У. Ф. Файзуллаев, М. С. Ҳайитбоев

Муҳаррир:

Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпланда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мулжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ тўхфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7172-4-4

I МУНДАРИЖА

Кириш.....	7
Қорамолчиликнинг аҳамияти.....	8
Гўштнинг озуқавий сифати.....	11
Қорамолларни гўшт учун парваришlash технологиялари.....	14
Махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликларида.....	14
Гўшт етиштиришга мўлжалланган шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида.....	15
Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида (бурдоқилаш).....	15
Бурдоқилаш даврида эътибор қаратилиши керак бўлган асосий жиҳатлар.....	17
Кунлик ўсиш кўрсаткичи нима ва у қандай ўлчанади.....	23
Озуқалардан фойдаланиш.....	26
Чорва моллари билан боғлиқ омиллар.....	27
Қўш маҳсулдор зотлар.....	34
Гўшт йўналишидаги зотлар.....	36
Қорамол ёшини аниқлаш.....	43
Қорамолларни танлаш муҳим.....	46
Букаларни келиб чиқиши бўйича танлаш.....	47
Бошқариш ва маъмурият билан боғлиқ омиллар.....	49
Чорва молларини ташиш (транзит).....	50
Карантинга олиш.....	52
Рақамлаш, эмлаш ва дезинфекциялаш.....	54
Эмлаш.....	57
Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация.....	58
Гуёқларни парвариш қилиш.....	63

Боқиш учун тайёргарлик.....	64
Чорвачилик биноларининг ресурстежамкор лойиҳалари.....	65
Очиқ эркин турадиган бошпана тизими.....	66
Ярим очиқ эркин юрадиган турар жой тизими.....	68
Ёпиқ турдаги эркин юрадиган молхона тизими.....	69
Ёпиқ турдаги боғлиқ ҳолда турадиган молхона tizими.....	70
Озуқаларни жамғариш, сақлаш ва озиқлантиришга тайёрлаш техника ва технологиялари.....	72
Озуқани сақлаш.....	76
Озуқа заҳирасини ҳисоблаш.....	80
Қорамолларини бўрдоқилаш тартиби.....	81
Чорва молларини суғориш.....	88
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

I КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар самарасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш тизими такомиллашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорликнинг қудратли омилига айланмоқда. Чорвачилик озиқ-овқат ва офисизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг улуши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 46,5 фоизини ташкил этмоқда.

Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни тери ва бошқа хомашё билан таъминлашда устуворликка эга. Етиштирилаётган сутнинг 98 фоизи ва гўштининг 63 фоизи қорамолчиликка тўғри келади.

Чорвачилик хусусан, қорамолчиликни ривожлантиришга республикада алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақиллик йилларида соҳани ривожлантириш тенденцияси янада кўтарилиб бормоқда.

Ушбу ижобий натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги 114-4576-сонли қарорларда ҳамда 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони асос бўлади. Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш,

шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

■ I ҚОРАМОЛЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ


Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни тери ва бошқа хомашё билан таъминлашда устуворликка эга.

Республикада аҳоли жон бошига қорамоллар 0,38 бошдан, сут ишлаб чиқариш 197 килограммдан ва гўшт 21 килограммдан тўғри келмоқда. Медицина нормасига нисбатан таъминлаш 2,64 ва 4,0 бараварга кам. Демак, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мустақиллигига эришишдек устувор вазифа ўз ечимини кутмоқда.

Инсон организими кунига 30 грамм гўшт оқсилга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжни асосан гўшт ва гўшт маҳсулотлари орқали қондиради. Етиштирилаётган гўшт маҳсулоти асосан қорамоллардан олинади.

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР БОШ Сони.

МИНГ БОШДА



2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамолларнинг 5,9% фермер хўжаликлари ҳиссасига, 92,8% деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3% қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади. Шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 13,3% фермер хўжаликларига, 81,4% деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,3% қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар отларнинг умумий сонидан 19,1% фермер хўжаликларига, 76,3% деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 4,6% қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Мамлакатимизда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми қорамолчилик маҳсулотлари бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари бўлган эҳтиёжини яъни, сутнинг 95 фоизи ва гўштининг 63 фоизи қорамолчилик соҳасига тўғри келади.

Гўшт етиштириш (тирик вазнда)

Гўшт етиштиришнинг энг катта ҳажми 2 277,1 минг т ёки умумий етиштириш ҳажмидан 90,1% деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилган.

Кўрсатиб ўтилган даврларда, гўшт етиштиришнинг энг кам ҳажми 118,2 минг т ёки умумий етиштириш ҳажмидан 4,7% қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда, фермер хўжаликларида 4,1%, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 2,1% ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 1,0% фоизни ташкил қилади.

Сут етиштириш

Сут етиштиришнинг энг катта ҳажми 10 386,4 минг т ёки умумий етиштириш ҳажмидан 94,3% деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида етиштирилган.

Энг кам ҳажми 98,8 минг т ёки умумий етиштириш ҳажмидан 0,9% қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда кузатилган.

Шу сабабли шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида мавжуд бўлган захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Жумладан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ўстуворлигида чорвачилик жадал ривожланмоқда. Чорва молларининг 94-95 фоизи ва маҳсулотлар етиштиришнинг 96-97 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан қишлоқ аҳоли оилаларида чорва моллари ва паррандалар шартли бош сонини 3-4 тагача ёки 1,5-2 бараварга ошириш, моллар зотдорлигини яхшилаш ва маҳсулдорлигини 1,8-2,0 бараварга ёки сигирлар сут соғимини 3000-3500 килограммга ошириш, кўп болали оилаларни чорва моллари билан таъминлаш асосий чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

ГўшТНИНГ ОЗУҚАВИЙ СИФАТИ

Қорамол гўшти аҳолини чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш хавфсизлигида асосий ўринни эгаллайди. Гўшт инсон озуқасида муҳим ҳисобланади. Унинг таркибида ҳаётбахш озуқалар – оқсил, ёғ, минерал моддалар, А, Д, ва В витамин гуруҳлари кўп миқдорда мавжуд.

Организмда ҳазм бўлиш миқдори 95 фоизга тенг. Гўштниги тўйимли қиймати таркибидаги глобулин, албумин, миозин ва бошқа оқсил моддаларнинг миқдорига боғлиқ.




Ўзбекистонда гўшт етиштиришга ва айниқса, қорамол гўштини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамики гўшт етиштириш балансида унинг миқдори 63-67%.


Гўштниги сифати унинг морфологик ва гистологик белгилари, кимёвий хусусиятлари ҳамда таъми билан характерланади. Сифатини баҳолашда гўшт нимталаридаги мускул ва ёғ тўқималарининг ўзаро нисбатига эътибор берилади.

Мускул тўқимаси юқори сифатли аминокислоталардан — оргинин, лизин, метионин, триптофан, цистин ва бошқалардан иборат. Оқсиллар миқдори 15-25 фоизни ташкил этади.

Гўштниги ширалиги намни сақлаб туриш хусусиятига ҳамда мускуллар оралиғида ҳосил бўлган ёғ миқдорига боғлиқ. Гўштниги майинлиги эса пай тўқималарининг сони тарқалиши ва хусусиятлари, мускул тўқималари оралиғида тўпланган ёғ миқдори билан белгиланади.



Ёғ тўқималарни аниқлаш нуқтаси



Гўштниги навли бўлаклари

Молларни семизлиги танани мускуллар билан тўлишганлигини чамалаш ҳамда тери ости ёғ тўқималари қалинлигини қўлда ушлаб кўриш услубида аниқланади. Танандаги ёғ қатламлари биринчи навбатда унинг орқа қисмида, сунгра урта ва олдинги қисмида тўпланади. Шу боис тананинг орқа қисмидаги ёғ қатламлари тўлишган ва қалин бўлади.

■ I ҚОРАМОЛЛАРНИ ГҶШТ УЧУН ПАРВАРИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Республикада гўшт учун 3 хил усулда қорамоллар парваришланади:

1. Махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликларида.
2. Гўшт етиштиришга мўлжалланган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида.
3. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида (бўрдоқилаш)

Махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликларида

Ушбу технологияда гўшт ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли амалга оширилади. Яъни эркак бузоқлар 20 кунлигидан бошлаб сотиб олиниб, гўштга боқиш технологиясида 14-18 ойлигига 400-420 кг вазни қадар боқилади. Сифатли гўшти етиштирилади ҳамда озуқалардан самарали фойдаланишга эришилади.

Мавжуд технология хўжаликларни ихтисослаштириш (сут ҳамда гўшт йўналишида) асосида жорий этилади. Гўшт йўналишига ихтисослашган хўжаликлар ёки комплекслар сут йўналишидаги хўжаликлардан 20 кунлик соғлом эркак бузоқларни (келишилган нархларда) сотиб олади. Ушбу хўжалик ёки комплексларнинг бир йўла сиғим ҳажми 1000-10000 бош бўлиши самарали ҳисобланади.

Республикада турли категориядаги хўжаликларнинг ҳозирги тизимида туманлар миқёсидаги 1000 бошга мўлжалланган гўштчилик хўжаликларини шакллантириш мақбул.

Гўшт етиштиришга мўлжалланган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида

Гўшт етиштиришга мўлжалланган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда корхоналар. Ўртача мўлжалда боқилган 8-10 ойликдаги 150-180 килограммли ёш моллар бошқа хўжаликлардан сотиб олинади. Улар, 200-300 килограмм вазнга қадар боқилади ва сўнгра 90-100 кун мобайнида бўрдоқиланиб, 380-400 килограмм вазнга ва кўкери семизлик даражасига етказилиб гўштга топширилади.

Гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг некинчи типидегилари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари. Уларда 4-6 ойлик сўдан чиқарилган эркак бузоқлар сотиб олиниб етиштиришга ва бўрдоқилашга кўйилади. 420-450 килограмм вазнига етгунга қадар бўрдоқиланади.

Ҳар бир туманда қорамолларни бўрдоқиланишга ихтисослаштириш ва концентрациялаш гўштчилик фермер хўжаликлари ёки корхоналарини ташкил қилиш асосида амалга оширилади. 1000 бош ёш молларни парвариш қилувчи хўжаликларнинг йиллик гўшт ишлаб чиқариш қўлжми 340-350 тоннани ва молларни гўштга топшириш вазни 400-500 килограммни ташкил этади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида (бўрдоқилаш)

Гўшти шундай шарт шартларда (тирик вазни ва семизлиги бўйича) тўлиқ ва етук ёшдаги моллар пахта шроти, шелухаси, олак, омихта ем, маккажўхори ёрмаси, пичан, сомон ва хўжалик чиқиндилари билан жадал бўрдоқиланади. Яйлов

шароитида семиртириш технологияси ҳам қўлланилади.

Қорамол гўшти ишлаб чиқаришнинг улкан захираси шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида молларни бўрдоқилash технологиясини жорий этиш асосида ишга солинади.

Молларни бўрдоқилash энгил типдаги бинолар ва айвон-бостирмаларда, озиклантириш хўжалиқда жамғарилган пичан, сомон, пахта шелухаси, шрот, кепак, озик-овқат, боғ полиз ва сабзавот чиқиндиларида ўтказилади.

Гўштга боқишда 150-180 килограмми ёш моллар танлаб олинади. Парваришlash ва бўрдоқилash муддати молларнинг зоти, семизлик даражаси ва ёшига боғлиқ бўлади. Парваришlash муддати 7-8 ой ва бўрдоқилash 4-5 ой давом этиши мумкин. Молларни ёз ойларида яйловларда боқиш имкониятига эга бўлган хўжалиқлар уларни яйловда семиртириб, сўнгра сентябрь-октябрь ойларида 300-350 килограммга етганларини бўрдоқилashга бойлашлари лозим. Бўрдоқилash даврида уларнинг вазни 400-450 килограммга етади. Ёш молларни гўштга парваришlashда рационнинг 75-80 фоизини дағал ва ширали озуқалар, 20-25 фоизини турли концентрат озуқалар ташкил қилади. Бўрдоқилash даврида концентрат озуқалар салмоғи 45-50 фоизгача оширилади.

БИЛАСИЗМИ?

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқлар ҳамда қишлоқ хўжалиқ корхоналаридаги қорамол зотлар ва уларнинг чатишма зотлари махсус гўшт етиштириш технологияларида парваришlashда юқори семизликка ва 380-450 килограмм вазнга етади. Сўйим вазни 200-240 килограмм ва сўйим чиқими 53-55 фоизни ташкил қилади.

Таъкидlash жоизки, ёш молларни гўштга парваришlash технологияси махсус ихтисосlashган гўштчилик хўжалиқларида энг мақбул ҳисобланади. Молларнинг гўшт маҳсулдорлик генетик потенциалидан самарали фойдаланилади.

БЎРДОҚИЛАШ ДАВРИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН АСОСИЙ ЖИХАТЛАР

Қорамоллардан бўрдоқилashдан асосий мақсад энг юқори самарадорликка эришиш. Бўрдоқилashдан фойда олиш учун қорамолларни паразитларга қарши дорилash ва эмлash, чорва молларининг тана вазнини доимий тарзда текшириб туриш, тана вазнига қараб гуруҳларга ажратиш ва гуруҳларга қараб озиклантириш, юқори даражадаги энергия ва протеинли (оксилли) озуқалар билан озиклантирилиши керак.

Доимий тарзда хўжалиқда мавжуд бўлган озуқалар билан қорамолларини бўрдоқилash ярамайди. Бундай бўрдоқилash нўли фазлатига чорвадор учун меҳнат қиймати ва озуқадан олинadиган фойда кўринишида қолиши мумкин. Чорвадор ижтисодий самарадорлик ва фойда кўриши учун бўрдоқилashни бўрдоқилashдан олдин қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиши керак:

1. Чорва молларини парвариш қилаётган хонадон оила аъзолари ҳар йили тиббий кўриқдан ўтишлари, юқумли касалликларга қарши эмлash муолажаларини (касаллик ҳайвонлардан инсонларга юқмаслиги учун) олишлари зарур.



resurs man'azi
Inv № 33380, 17

- Чорва ҳайвонларини парваришлашнинг асосий шартлари уларни ўз вақтида ва узлуксиз озиклантиришдир (оғилхонада парваришlash даврида моллар ёзда тайёрланган озуқа билан боқилади). Иккинчи муҳим шартларидан бири – зарур гигиеник парваришlashдир. Бу ҳайвоннинг тирик вазнини сақлаб қолишда ўз ифодасини топади – улар ўртача семизликни сақлаб қолади.

- Қорамолни боқишда аввало, бу мол қайси мақсадда боқилаётганлигига эътибор қаратилиши лозим. Агарда сути учун боқилаётган бўлса, рационда майдаланган кўк ўт, пичан лавлаги, сифатли концентрат ем бўлиши керак. Агар мол бўрдоқига боқилаётган бўлса рационда кўпроқ миқдорда концентрат (ем, кепак, шелуха, шрот) бўлиши шарт. Боқилаётган мол кам ҳаракат қиладиган ҳолатда бўлиши керак.

- Қорамолларни сақлаш хоналари, яъни оғилхоналар кенг, ёруғ ва ҳаво алмашиши учун ромлар бўлиши керак. Молхона яхши таъмирланган, деворлари, охури оҳак билан дезинфекцияланган, барча тешик-тирқишлар ёпилган бўлиши даркор. Оғил яхши шамоллатиладиган, сийдик оқиб кетадиган нов бўлиши лозим. Иложи бўлса молларни ҳар куни, бўлмаса ифлосланганда тозалаб, қашлаб туриш даркор. Бунинг учун қашлагичдан фойдаланилади.

- Молхона қуришда меъёрларга риоя қилиш лозим. Сигирлар учун оғилхона узунлиги 160-200 см, кенглиги 130-150 см дан кам бўлмаслиги керак. Охур пастроқ бўлади – моллар бўйнини эгиб, аммо чўзилмасдан озикланиши керак. Охурни яхшиси тўғри бурчакли эмас, овалсимон қилиб, яъни тепа томони 80 см паст қисми 50 см дан кам бўлмаган кенгликда қуриш мақсадга мувофиқдир. Унинг ҳажми бир маротабали озуқа сиғадиган бўлиб қолмасин, бўрдоқига боқилаётган молларнинг суви олдида бўлгани маъқул.

- Бўрдоқилашга олинадиган чорва молларининг хотларига, ёшига, тана вазнига, тана тузилишига ва наслига қараб танлаб олиниши керак. Яъни семиртиришга энг мақул бўлган чорва молларини сотиб олиш керак.

- Етарли даражада дағал ва концентратли озуқалар билан захиралари билан таъминланиши ва бу озуқалар сифатли ва тўғри сақланиши керак.

- Чорва молларига бериладиган озуқалар юқори энергия ва протеинга эга бўлган озуқалар норма ва рационлар асосида берилиши керак. Чорвадор озиқлантиришда мувозанатлаштирилган рационлар тузиши керак.

- Боқидан олдин чорва моллари тарозида тортилиши, кўлок тамғаси ёки бошқа бир усул билан рақамланиши, тана вазни бир-бирига яқинлари гуруҳларга ажратилиши ва тана вазнига кўра озиқлантирилиши даркор.

- Бўрдоқилаш даврида чорва моллари ҳар ойда бир мартаба тирик вазни тарозида ўлчаниши ёки тарозида тортиш имкони бўлмаганда ўлчов лентаси ёрдамида тавдасининг қия узунлиги ва кўкрак айланаси, елка сүйеклари орқасидан ўлчов лента билан ўлчаш орқали амалга оширилади. Ключер - Штраух услубида ҳам катта ёшдаги молларнинг тирик вазни аниқланади. Бунинг учун молларнинг кўкрак айланаси ва тананинг қия узунлиги ўлчамлари олинади.

Сўнгра махсус ишлаб чиқилган жадваллар ёрдамида тирик вазни аниқланади. Жадвалда келтирилган рақамлар ўрта семизликдаги моллар учун белгиланган. Шунинг учун молларнинг семиз ёки ориқлигига қараб жадвал ёрдамида уларнинг топилган вазни 5-10% га оширилади. Ўртадан паст семизликдаги моллар вазни эса 5-10% га камайтирилади.



Кўкрак айланасини ўлчаш



Танасининг қия узунлигини ўлчаш

Қорамолларни тирик вазини аниқлаш

Фровейн усулида ёш молларнинг тирик вазни аниқланади (1-жадвал). Бу усулда ҳам молларнинг кўкрак айланаси ва тананинг қия узунлиги ўлчамлари олинади ҳамда махсус жадваллардаги кўрсаткичлар ёрдамида тирик вазни топилади (2-жадвал).

Клювер - Штрах услубида қорамолларнинг тирик вазнини ўлчиш

Мурак орти кўкрак айланаси, см	Гавдасининг қия узунлиги, см															
	125	130	135	140	145	150	155	160	165	170	175	180	185	190	195	
125	164															
130	180	187														
135	196	203	213													
140	216	223	231	241												
145	232	240	250	259	269											
150	247	256	266	277	286	296										
155	264	274	285	295	296	317	328									
160	282	290	301	313	324	334	347	350								
165		310	323	334	347	358	370	381	394							
170			342	355	368	380	398	404	417	431						
175				374	390	403	417	429	443	457	470					
180					414	428	443	452	471	486	500					
185						449	464	478	494	508	524	540	552			
190							492	506	522	538	555	572	585	602		
195								531	549	566	582	600	615	629	648	
200									580	597	614	634	649	667	684	
205										626	644	662	680	690	717	
210											678	699	716	736	754	

2-жадвал.

Клювер - Штраух усулида қорамолларнинг тирик вазнини аниқлаш

Курак орти кўрак айланаси, см	Гавдасининг қия узунлиги, см																
	125	130	135	140	145	150	155	160	165	170	175	180	185	190	195		
125	164																
130	180	187															
135	196	203	213														
140	216	223	231	241													
145	232	240	250	259	269												
150	247	256	266	277	286	296											
155	264	274	285	295	296	317	328										
160	282	290	301	313	324	334	347	350									
165		310	323	334	347	358	370	381	394								
170			342	355	368	380	398	404	417	431							
175				374	390	403	417	429	443	457	470						
180				414	428	443	452	471	486	500	515						
185					449	464	478	494	508	524	540	552					
190						492	506	522	538	555	572	585	602				
195							531	549	566	582	600	615	629	648			
200								580	597	614	634	649	667	684			
205									626	644	662	680	690	717			
210										678	699	716	736	754			
215											734	751	773	792			
220												782	804	825			
225													843	863			
230																	905

✓ Чорва моллари боқишга олинаркан, озуқанинг қачон туғати ёки вақт жиҳатидан ёки энг яхшиси, чорванинг тана оғирлигига қараб ҳисоблаб чиқиш керак. Бошқача қилиб айтганда, озиқлантириш муддатини қисқартириб, семириш муддатини узайтирилмаслиги керак.

■ I КУНЛИҚ ЎСИШ КЎРСАТКИЧИ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ЎЛЧАНАДИ

Бўрдоқилаш даврида қорамолларнинг тана вазнининг ортиши ва озиқланишдан фойда олишига кунлик ўсиш кўрсаткичи дейилади. Кунлик ўсиш кўрсаткичи, ҳар бир килограмм тана оғирлиги учун сарфланган озуқа миқдорини ҳисоблаш билан ўлчанади. Семириш кўрсаткичи шу давр мобайнида чорва молларини ойига бир мартаба ўлчаш ва сарф қилинган озуқа миқдори билан ҳисобланади.

Чорва молларини семиртириш учун боқишга келтирилганда имкон қадар тарозига тортилиб тана оғирлиги ўлчанади ёки кўкрак қафаси атрофини елка суяклари орқасидан ўлчов лентаси билан тахминий оғирлиги ўлчанади. Олинган тана вазнлари қайдлар китобига киритилади. Сарфланган ҳар кунлик бериладиган озиқалар ҳам шу тарзда қайд қилиниши керак.

Чорва молларини ҳар ойда бир марта вазнини тортиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Бир ой ичида ўтказилган иккита вазн ўлчаш орасидаги фарқ ҳисоблаб чиқилади. Ушбу фарқни ҳисоблаш учун гуруҳнинг кунлик вазни 30 га бўлинади. Гуруҳнинг истеъмол қилинган кунлик озуқаси бир ойлик даврда истеъмол қилинган озуқанинг умумий миқдорини 30 га бўлиш

йўли билан ҳисобланади. Кундалик озуқа истеъмолини кунлик тана вазнининг ортишига тақсимлаш билан 1 килограмм вазн учун неча килограмм озуқа берилганлиги аниқланади.



Мисол учун, ҳўжалигимизга 12 ойлик 10 бош ёш новвос сотиб оламиз. Бу новвосларни бўрдоқига боқишдан олинганлиги умумий тана вазни 1780 кг бўлсин. Бир ойдан кейин ўлчанганда эса умумий тана вазни 2140 кг ташкил қилса, иккила ўлчов орасидаги фарқ $2140 - 1780 = 360$ килограммни ташкил қилади. Бу ҳам 30 кунга бўлинса, гуруҳнинг кунлик тана вазни ўсиши $360 \div 30 = 12$ килограммни ташкил этади. Гуруҳимизда 10 бош қорамол борлиги сабабли, ҳар бир қорамолларнинг ўртача кунлик вазн олиши $12 \div 10 = 1.200$ граммни ташкил қилади.

Айтайлик, ушбу ой ичида қорамоллар 2160 кг озуқа бирлиги истеъмол қилмоқда. Буни ҳам 30 га бўлсак, кунлик озуқа бирлиги $2160 \div 30 = 72$ кг озуқа бирлигини истеъмол қилаётган бўлади. Яъни ҳар бир қорамол кунига $72 \div 10 = 7.2$ кг озуқа бирлиги истеъмол қилган бўлади. 1 килограмм

танга вазни ўсиши учун 72 кг озуқа бирлиги сарфлаган озуқа бирлигини топиш учун $72 \div 12 = 6$ кг ни тана оғирлигига тақсимласак, 6 килограмм келиб чиқади. Яъни гуруҳда ҳар бир қорамол 6 кг озуқа бирлигини истеъмол қилиб, 1 килограмм тана вазнига эга бўлади, деб айтишимиз мумкин.

Озуқа самарадорлигини ҳисоблаш

Қорамолларнинг сони ва айрим маълумотлар	Чорванинг вазни (кг)	30 кундан кейинги вазни (кг)	Вазн ортиши
1	36	160	196
2	33	173	206
3	33	185	218
4	36	190	226
5	38	170	208
6	35	165	200
7	39	183	222
8	37	182	219
9	34	176	210
10	196	235	39
Умумий (кг)	1780	2140	360
Уруғнинг кунлик тана вазни ортиши (кг)			12
Қорамолларнинг кунлик вазн ортиши (кг)			1,2
Умумий озуқа сарфи (кг)			2160
Уруғнинг кунлик озуқа сарфи (кг)			72
Қорамолларнинг бошига тўғри келадиган озуқа сарфи (кг)			7,2
1 кг вазн олиши учун сарфланадиган озуқа бирлиги			6

■ I ОЗУҚАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Озуқадан фойдаланиш бу чорванинг 1 килограмм вази олиш учун истеъмол қилинган озуқа миқдорига айтилади. Бир килограмм тана вази олиш учун ўртача озуқа истеъмоли бериладиган озуқанинг сифати, қорамолларнинг зоти жинсига ва ёшига кўра ўзгариб туради, лекин одатда бир килограмм тирик вази ўсиши учун ўртача 6-8 озуқа бирлигини ташкил қилади. Агар 9-10 озуқа бирлигидан ошиб кетса, унд боқиш қимматга тушади.

Озуқа бирлиги – озуқаларнинг умумий тўйимлилигини ўлчайдиган бирликдир. Ундан турли хил озуқаларнинг бир-бирига нисбатан тўйимлилик даражасини аниқлашда фойдаланилади.

Озуқаларнинг умумий тўйимлилигини ўлчаш учун ўртача сифатли 1 кг, қуруқ сули донининг тўйимлилиги, бошқача қилиб айтганда 1 кг стандарт сули донининг катта ёшдаги қорамолларга тўйимлилик таъсири андоза қилиб олинган ва озуқа бирлиги деб аталади.

Озуқалардаги тўйимли моддалар – озуқаларда сақланадиган ва чорва моллари озиқланиши учун зарур бўлган органик ва минерал моддалар протеин (оқсил), ёғ, клетчатка, азотсиз экстрактив моддалар, макро микроэлементлар тушунилади. Масалан, 1 кг беда пичаниданин

Озуқалардаги тўйимли моддалар – озуқаларда сақланадиган ва чорва моллари озиқланиши учун зарур бўлган органик ва минерал моддалар протеин (оқсил), ёғ, клетчатка, азотсиз экстрактив моддалар, макро микроэлементлар тушунилади. Масалан, 1 кг беда пичаниданин

Наслдор ва дурагай зотдор қорамоллар 1 килограмм истеъмоли учун ўртача 8-9 озуқа истеъмол қилиб, 1 килограмм тана вази ортишига эришса, маҳаллий зотларда ўртача 10-11 озуқа бирлиги истеъмол қилиш орқали 1 килограмм

■ I БЎРДОҚИЛАШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Бурдоқилаш жараёнига таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд. Бу омилларга чорва молларини танлаш, шундан тўғри беришимиз керак. Бу омиллар 4 гуруҳга бўлинади:

1. Чорва моллари билан боғлиқ омиллар.
2. Бошқариш жараёни билан боғлиқ, омиллар.
3. Молхоналар билан боғлиқ омиллар.
4. Озуқа билан боғлиқ омиллар.

■ I ЧОРВА МОЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР

Бу тўғридан-тўғри қорамолларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, эътибор қаратилиши керак бўлган омиллардир. Қорамолларни семиртириш билан эмас, шунингдек, муайян миқдорда минерал ва витаминлар билан боғлиқ омиллардир. Барча тегишли омилларга эътибор қаратиш лозим. Буни 5 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- 1.1 Қорамолларнинг зоти.
- 1.2 Қорамолларининг ёши.
- 1.3 Қорамолларининг жинси.
- 1.4 Қорамолларининг келиб чиқиши насли.
- 1.5 Қорамолларининг умумий ҳолати.

ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қорамол гўштини 98-99 фоизи сут ва қўшмаҳсулдор йўналишдаги зотлар ва уларнинг чатишма зотлардан олинмоқда. Фақат 1 фоизигина гўштдор қорамол зотлари ва уларнинг чатишма зотларга тўғри келади.

Парваришlashга олинган қорамолни боқишда аввало, қорамол зоти қайси йўналишда боқиладиганлигига эътибор қаратилиши лозим. Агарда сут йўналишида боқиладиган бўлса, рационда силос, сенаж, кўк ўт, пичан, лавлаш, сифатли концентрат озукалар бўлиши керак.

Агар қорамол бўрдоқига боқиладиган бўлса рационда кўпроқ миқдорда концентрат (ем, кепак, шелуха, шрп) бўлиши шарт. Боқиладиган қорамол кам ҳаракат қиладиган ҳолатда бўлиши керак.

Баъзи бир қорамол зотлари сут ва гўшт йўналишида қорамол зотлар ҳам мавжуд. Буларга қўш маҳсулдор зотлар дейилади.

Қорамол зотини танлашда биринчи мезон бўлиб чорвачилик фермасининг йўналишидир.

1. Яъни, қорамол қайси ферма учун ва қай мақсад сотиб олинади?
2. Сут фермаси учунми?

1. Сут-гўшт фермаси учунми ёки гўшт фермаси учунми? Шу саволга аниқлик киритгандан кейин қандай йўналишдаги қорамол зотини сотиб олишни ҳал қилишингиз мумкин. Йирик қорамолнинг учта асосий йўналишдаги тури мавжуд: сут йўналишидаги, сут-гўшт йўналишидаги ва гўшт йўналишидаги қорамол зотлари. Шу билан бирга, иқлим шароити ухшашлиги ва зотнинг репродуктив хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Сут ва гўшт йўналишидаги моллар гўшт ва гўшт унумдорлиги кўрсаткичларидан ташқари уларнинг ташқи кўриниши, тана тузилиши (экстерьер) билан ҳам ажралиб туради.

Шунинг учун боқиладиган чорва молининг зоти муҳим бўлишига эга. Чорва молларини танлашда аввал наслдор молларини, сўнгра бошқа зотларни танлашимиз керак. Ушбу йўналишдаги чорва молларни кўпинча топиш ёки қимматлиги бўлиб, юртимизда қорамолларни парваришlash маҳаллий зотларидаги чорва моллар билан амалга оширилмоқда. Гарчи гўшт учун етиштириладиган брангус, ангус, герефорд, симментал каби зотлар мавжуд бўлсада, улар юртимизда кенг тарқалмаган.

Қорамол зотларини 4 та асосий қисмга ажратиш мумкин:

- а) **сут йўналишидаги зотлар:** Голштин, қора ола, қизил чўл, швиц зоти.
- б) **қўш маҳсулдор зотлар:** Симентал, швиц зотлари
- в) **гўшт йўналишидаги зотлар:** Герефорд, козоқи оқ бош, гердани-ангус, санта-гертруда, лимузин, зотлари.
- г) **маҳаллий қаромотлар:** Маҳаллий (жайдари), Зоти қиладиган маҳаллий қорамол (қаромотлар ўзаро ёки наслдор зотлар билан чатиштирилишидан ҳосил бўлган тур).

■ I НАСЛДОР ЗОТЛАР

Чорвачиликда маҳсулдорлик кўрсаткичи юқор бўлган зотлар ҳисобланади. Наслдор зотлар сут ва гўш маҳсулдорлиги юқорилиги билан ажралиб туради.

Голштин сигирлари бошқа сут йўналишидаги зотлар орасида энг юқори сут маҳсулдорлигига эга.

Абердин-ангус зоти бўрдоқига боқиш учун қулай зот ҳисобланади. Кунига ўртача 1100-1300 грамм вазн олади. Сўйилганда тирик вазнининг 62-65%и миқдорида гўш беради.

Симентал, швиц зотини ўзига хос хусусиятлар бошқа зотларга қараганда сут маҳсулдорлигини сифат кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Республикамызда наслдор зотларининг Голштин қизил чўл, бушуев қора-ола, симентал, швиц, қозоқи ола бош, абердин-ангус, геррефорд зотлари парваришлани келмоқда.



Голштин зоти сигирларининг сут маҳсулдорлиги ва сут таркибидаги ёғ кўрсаткичлари, маълум бир ҳудуднинг иқлими ва озуқаларининг мосланиши билан боғлиқ. Мисол учун, Исроилда уларни

парваришlashда янги технологиялар қўлланилди ва уларнинг йилига ўртача 12 минг килограмм сут миқдори кўрсаткичи эга бўлди. Сутнинг ёғ таркиби одатда 3-3,1% дан ошмайди.

оқсил миқдори даражаси – 3% га тенг. Шимолий Америкада Голштин сигирларининг сут маҳсулдорлиги бироз паст кўрсаткичга эга – йилига 9-10 минг кг сут соғиб олинади, лекин оқсил миқдори 3,6% ва оқсил миқдори 3,2% га тенг.

Голштин сигирларининг тирик вазни 670 дан 700 кг гача, буқалар эса 960 дан 1250 кг гача бўлади. Туғилганда буқачалар 44-47 кг, ғунажинлар эса 38-42 кг ни ташкил қилади. Қорамоллар аниқ сут йўналиши билан ажралиб туради. Сигирларнинг баландлиги ўртача 144 см, буқаларники эса 158-166 см га тенг.


Голштин зоти Европада, Австралияда, Шимолий ва Жанубий Американинг йирик давлатларида, яқин ҳоризонт давлатларида (Россия, Беларус, Украина ва Қозоғистон) парваришланиб келинмоқда. Ўзбекистонда ушбу зотли қорамолни республиканинг иқлими юмшоқроқ давлатларида боқиш тавсия этилади.



Қора-ола зоти. Табиий-иқлим шароитга ва машинада соғишга мослашиши ва юқори сут маҳсулдорлик хусусиятлари билан бошқа зотлардан кескин фарқланади.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига кенг тарқалган. Қора-ола зотли молларнинг Ўзбекистон турининг шаклланди. Сигирларнинг ўртача тирик вазни 480-500 кг, айримлари 600-700 килограммга етади. Давлат наслчилик китобига келинган соф зотли сигирларнинг сут соғими ўртача 4773 килограммга, ёғдорлиги 3,6 фоизга тенг. Буқачалар гўштга маддал боқилганда 15-18 ойлигида 450-500 килограмм вазнга етади ва сўйим чиқими 55-57 фоизни ташкил қилади.

Республикада қора-ола зоти голштин зоти билан такомиллаштирилмоқда. Уларнинг турли голштин (50, 75, 87%) қонли I, II ва III чатишма зотлари олинган.




Қизил чўл зоти Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақолпоғистон Республикасида урчитилмоқда.

Молларнинг туси оч қизилдан то тўқ қизилгача. Зот таркибида тор ва кенг танали

мол гуруҳлари мавжуд. Кенг танали моллар мустаҳкам конституцияга эга бўлиб, вазни оғир, сут маҳсулдорлиги юқори. Сигирларнинг вазни 460–520 кг, буқаларнинг вазни 800–900 кг. Наслчилик фермаларида ҳар бир сигирдан 2800–3200 кг сут соғиб олинмоқда. Ёғлилиги 3,7–3,9%.

Қизил чўл зотининг сермахсул подалари Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятининг наслчилик фермер хўжаликларида шакллантирилган. Молларни соф ҳолда урчитиш билан бирга англери ва қизил дания зотлари билан такомиллаштирилмоқда.

Биринчи бўғин англери зотли чатишма молларнинг тирик вазни тенгдошларига нисбатан 5–8% юқори бўлиб, вояга етган сигирлари 3254 кг ёки қизил чўл зотли тенгдошларидан 136 кг (16,5%) кўп сут берган. Хоразм вилояти фермер хўжаликларида қизил чўл зотли молларнинг маҳсулдорлигини оширишда қизил-ола голштин зотли яхшиловчи буқалардан фойдаланиш I ва II авлодларда ижобий натижалар бермоқда. Молларнинг сутдорлик типини яхшиланган ва маҳсулдорлиги кўтарилган.



Бушуев қорамол зоти сут маҳсулдорлик йўналишида, Сирдарё вилояти ҳудудида шаклланган ва 1967 йили тасдиқланган.

Ушбу зот маҳаллий шароитга мослашувчанлиги,

иссиққа ва қон паразитар касаллигига чидамлиги билан бошқа зотлардан фарқ қилади.

Сигирларнинг тирик вазни 400-450 кг, айримлари 600 килограммгача етади. Буқалар вазни 750-800 кг, айримлари 1000 килограммгача боради. Сигирларнинг сут соғими 3500-4000 кг, сүтининг ёғлилиги 3,9-4,1%, оқсил миқдори 3,2-3,4 фоизни ташкил қилади. Сермаҳсул сигирлар сут соғими 4500-4800 килограммгача боради. Гўштга боқилган новвосларнинг тирик вазни 18 ойлигида 420-450 кг, сўйим чиқими 55-58 фоизга тенглашади. Сирдарёнинг бул ҳудуди табиий-иқлим шароитига мослашган, иссиққа ва гемоспоридиоз, тейлериоз ва лейкоз касалликларига чидамли.

Зотнинг тарқалиш ареалининг торлиги ва айниқса, Сигирлар сут соғимининг пастлиги ва бошқа зотларга рақобат қила олмаслиги сабабли унинг бош сони ва генофонд ҳолатга келган. 1992 йиллардан бошлаб, ҳозирга қадар бушуев зотли молларнинг генофондини сақлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наслчилик фермер хўжаликлариди бушуев зотини соф ҳолда урғиниш ва қисман яхшиловчи зотларнинг (голланд, голштин) қўлини қўйиш асосида сут маҳсулдорлигини кескин ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Афсуски, зот 3000 бошдан камайган кавфи остида турибди, бу ўз навбатида ушбу зот назоратини давлат эътиборидан моликлигидан далолат беради.

■ I ҚЎШ МАҲСУЛДОР ЗОТЛАР



Симменталь зоти (немисча Simmental-Зимменталь во-дийси). Швейцарияда, маҳаллий зотларни V асрда келтирилган скандинав зотлари билан чатиштириш йўли билан яратилган. Унумдорлиги юқорилиги ва маҳаллий шароит-

га тез мослашиш хусусияти туфайли кўплаб мамлакатларга тарқалган. Маҳаллий зот сигирларни Швейцариядан келтирилган симменталь зот буқалар билан сингдириб чатиштириш орқали қардош зотлар олинган бўлиб, турли мамлакатларда улар турлича номланади (ГФР ва Австрияда- флекфи, Францияда- монбельярд, Венгрияда- венгер ола зоти ва ҳоказо). Бу зотнинг сут ва гўшт йўналишидаги тури бор.

Симменталь зоти малла, ола-малла, баъзида қизил-ола рангда бўлади, боши ва думининг учи оқ рангда; бурун “ойнаси” пушти, шохи ва туёқлари оч мумрангда. Буқаларнинг тирик вазни 800-1100 кг, сигирларники-550-600 кг гача етади. Ўртача йиллик сут соғими 3500-4500 кг ни, сут ёғлилиги 3,8-3,9%ни ташкил этади. Боққанда тез семиради. Буқалар 12 ойлик бўлганда 400-420 кг, 18 ойлигида 500-600 кг га етади. Тирик вазнининг 58-62% миқдорда гўшт беради.



Швиц зоти. Швейцари-
яда яратилган, дунёнинг кў-
плаб мамлакатларида тарқал-
ган. Ўзбекистоннинг деярли
барча вилоятларида учратиш
мумкин.

Бу зот молларининг тана
тузилиши бақувват, тўғри
пропорционал, мушаклари яхши ривожланган. Ранги бўз
рангдан жигарранггача ва шу ранглар ўртасидаги турли
тўсларда.

Тирик вазни 500-550 кг ва ундан кўпроқ, туғилганда
бўдоқларнинг вазни 35-38 кг. 18 ойлик бўлганда ёш мол
350-400 кг тош босади, бўрдоқига боқилган буқачалар эса 450-
500 кг гача семиради. Сўйилганда ёши ва семизлигига қараб
тирик вазнининг 50 фоиздан 60 фоизигача гўшт беради.

Сут унумдорлиги юқори, ammo махсус сут йўналишидаги
сигирларникидан кам. Сигирлар 4000-5600 кг миқдориди
сут беради, сутининг ёғлилиги 3,7-3,8%. Рекордчи сигирлар
10000 кг сут берган.

Швиц зоти - бизнинг мамлакатимизда яратилган қўнғир
мол зотларининг аждоди ҳисобланади. Бундай зотларга
қўнғирдагилар киради: кострома зоти. Олатоғ зоти, кавказ
қўнғир зоти, карпат қўнғир зоти, лебедин зоти. Ранги ва
ташқи кўринишига кўра бу моллар жуда ўхшаш. Улар ичида
кострома зоти сут унумдорлиги билан ажралиб туради.

■ I ГҮШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЗОТЛАР



Геррефорд зотли

қорамол XVIII асрда Англиянинг Геррефорд, Оксфорд ва Шропшир графликларида маҳаллий зотлар асосида сермашаққат меҳнат эвазига яратилган. XIX асрнинг бошларида ге-

рефорд зотли сигирлар АҚШга келтирилган, бу ерда 1840 йилда биринчи наслчилик хўжалиги ташкил этилган, 1846 йилда эса наслчилик китоби яратилган. 1881 йилда Америка геррефорд сигирлари уюшмаси яратилган. Уюшма ушбу зотни муваффақият билан такомиллаштириб, унинг дунё бўйича кенг тарқалишига ёрдам берган. Геррефордлар жуда чидамли, тез етилади, янги иқлим шароитига яхши мослашади, узок кўчишга, яйловда боқишга чидамли, энг муҳими бу зот гўшти ингичка толали, каллорияли, ёғ қатлами бир текисда жойлашган.

Зотнинг ранги—қизил, бошида, кўкрак таги, гавдасининг пастки қисми, оёқлари ва дум учида оқ қашқалари бор; бурунлаб ойнаси пушти ранг. Гавдаси тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, узун ва кенг, оёқлари калта ва бақувват; боши кенг, шохлари узун; бўйни қалин ва калта.

Туғилганда ғунажинларнинг вазни 25-28 кг, буқачалар 28-34 кг. 6 ойлик бўлганда ёш бузоқлар 180 кг гача вазн йиғади, 8 ойлик бўлганда 230 кг гача; 14 ойлик бўлганда

вазни 300 кг га, буқачаларники 320 кг гача етади. Бир ярим ёш бўлганда ғунажинлар 400 кг, буқачалар тахминан 450 кг бўлади. Катта ёшли сигирларнинг тирик вазни 500-600 кг, буқаларники 800-900 кг га етади; баъзида сигирларнинг тирик вазни 750 кгга, буқаларники 1200 кг га етади. Бир суткалик оғирлик олиш 1000-1200 грамм, аммо суткасига 2000 мг семирган сигирлар ҳам қайд этилган, бунда ҳаддан зиёд ёт босиш кузатилмаган. Сўйилганда тирик вазнининг 60-70% миқдоридида гўшт беради. Сут унумдорлиги ўртача 1400 кг, сут ёглилиги 4%ни ташкил этади, сути соғиб олинмайди, бузоқлар эмишига қолдирилади.



Қозоқи оқбош зоти собиқ Иттифоқ (ҳозирги Қозоғистон, Россиянинг Волгоград, Оренбург ва Саратов областлари)да XX асрнинг 30-40 йилларида яратилган, расман 1950 йилда рўйхатга олинган. Селекция

қозоқ ва қалмиқ зоти урғочи сигирларини герефорд буқалари билан чатиштириш орқали амалга оширилган.

Натижада янги яратилган зот шу зот молларининг яхши хусусиятларига эга бўлди – иқлим шароитига яхши мослашиш, конституция мустаҳкамлиги, тез етилиш ва кўп гўшт бериш. Бундан ташқари, қозоқи оқбош зоти озуқа танламаслиги ва парваришда инжиқмаслиги билан, шунингдек, касалликларга қарши курашиш қобилияти билан герефорд зотидан ўзиб кетган. Қозоқи оқбош зотининг жистеръери герефорд зотиникига жуда ўхшайди.

Ранги қора, қизил ҳар хил тусда, боши, кўкраги, қорни, оёқларининг ва думининг учи оқ. Яғрини ва думғазасида оқ ёдшқали сигирлар ҳам учрайди. Бу зот сигирлари одатда йирик

бўлади, баландлиги (бўйи) 127 см га етади, боши катта, бироқ бесўнақай. Гавдаси чўзиқ-қиялама узунлиги 155 см, кўкраги чуқур - 72 см ва кенг - 47 см, кўкрак айланаси - 187-190 см. олди қисми орқа қисмига нисбатан яхши ривожланган, жун қопламаси ёзда қалин ва калта, қишда узун ва бироқ жингалак.

Туғилганда урғочиларнинг вазни 25-27 кг, буқачаларнинг вазни 28-30 кг бўлади. Сигирлардан ажратилган вақтга келиб ёш ҳайвонларнинг вазни 250 кг га етади. Суткасига бозуқа бирлиги сарфланганда 18 ойлик бўлганда ғунажинлар 395 кг гача вазн йиғади, боқиладиган бўрдоқи буқачалар 15 ойлигида 500 кг дан ошиши мумкин. 8 ойликдан 15 ойликкача ўртача ўсиш суръати суткасига 950 кг дан 1033 кг гача. Ёшга етган сигирлар 500-560 кг, буқалар 850-950 кг бўлади, баъзи сигирлар 750-800 кг, буқалар 1100 кг гача ўсади. Сўйилганда сигирлардан 55%, бўрдоқига боқилган буқалардан 60-74% гўшт олинади. Суякларнинг вазни нимталанмаган гўштнинг 13,9 фоизини ташкил этади. Гўшт ёғлилиги бир текисда Сигирларнинг сут унумдорлиги 1000 дан 1500 литргача, сут ёғлилиги 3,8-4,0%, баъзида 4,8%.



Абердин-ангус зоти шимоли-шарқий Шотландиянинг Абердин ва Ангус графликларида XVIII аср охирларида бошланган, бунинг учун тўқол (шоҳсиз) зотлар танлаб олинган. 1862 йилда биринчи наслчилик китоби нашрдан чиққан, 1873 йилда бу зотни АҚШга, 1876 йилда Канада олиб чиқиш бошланди. Ҳозирда Абердин-Ангус зоти ўзининг юмшоқ ва нозик толали мармар гўшти туфайли АҚШ, Шимолий

ва Жанубий Америка, Буюк Британия, Янги Зеландия ва МДХ мамлакатларида кенг тарқалган. Бундан ташқари, бу мол гўшт йўналишидаги мол ичида энг тез етиладиган зот ҳисобланади (бузоқлар биринчи марта 14-15 ойлигида уруғлан-дирилади). Саноат миқёсида чатиштириш ва турли иқлимга мослашиш кўрсаткичлари жуда юқори.

Зотнинг ранги қора. Конституцияси гўшт йўналишидаги молга мос - боши катта; бўйни калта ва йўғон, бир текисда шилпага қўшилиб кетади; гавдаси кенг ва юмалоқ, оёқлари калта. Яғрини даражасида ўлчаганда, бўйи 118 см дан ошмайди; кўкрак чуқурлиги чамаси 67 см, кўкрак кенглиги - 47 см; думғазаси кенг; гавда суяклари ингичка, аммо муҳкам; мушаклари билан ва сакраш бўғинларигача яхши ривожланган; тери шалвираган, юпқа, бироқ тери остидаги қилин ёғ қатлам туфайли тери қалиндек туюлади.

Абердин-ангус зотининг урғочи бузоқлари 22-25 кг вазн билан, буқачалари 25 кг дан 28 кг гача вазн билан туғилади. Ирим йилда ёш ҳайвонлар 180 кг тош босади, сигирлардан ажратиш вақтига келиб, уларнинг вазни 190-230 кг бўлади, 1 ёшга бўлганда сигирларнинг вазни 430-500 кг га етади. Энг кўп катта ёшли сигирлар 650-700 кг вазнга эга бўлса, бўрдоқига боқилган буқалар қарийб 1000 кг тош босади. Сўйилганда тирик вазнининг 62-65% миқдориди гўшт беради. Сут унумдорлиги 1700 кг дан ошмайди ва одатда, сут бузоқларга қолдирилади.



Шортгорн сигирларини браман зотли ҳинд зебу буқалари билан чатиштириш орқали яратилган **санта-гертуда зоти** гўшт унумдорлиги юқори зотлардан бири. Бу

гўшт йўналишидаги қорамол зоти 1940 йилда Техас штати-нинг Санта-Гертрудис фермасида яратилган. Шунинг учун ҳам у қуруқ иссиқ иқлимга яхши мослашган, яйловларга яйлов шароитига ўрганган ва узоқ масофаларга кўчишга қийналмайди. Чидамлилиги ва жой танламаслиги билан бир қаторда қон сўрувчи ҳашаротларга чидамли, пироплазмоз касаллигига қарши туриш қобилияти кучли.

Санта-гертруда зоти тўқ қизил рангда бўлади, баъзида гавдасининг пастки қисмида оқ қашқалари ҳам бор. Сигирларнинг боши кичикроқ, кулоқлари осилган; гавдаси кенг, мушаклари яхши ривожланган, елкаси тўғри ва кети бироз пастга тушган; кўкраги чуқур ва кенг; бақбақаси (томоғи остида осилиб турадиган териси) яққол кўзга ташланади; оёқлари бақувват ва қотма. Буқаларининг экстерьериди букриси кўзга ташланиб туради. Букри яғрини ёнида юза келади. Териси эгилувчан ва юпқа, бўйнида қават-қават букланиб туради, қисқа ва ялтироқ жун билан қопланган.

Санта-гертруда зотли бузоқлар 29-35 кг вазн билан туғилади, сут бериб яхши боққанда суткасига 1000-1200 г семиради, 8 ойлигида ёш ҳайвонлар 250 кг гача вазн олиши мумкин, бир ярим ёш бўлганда ғунажинлар 400 кг буқачалар - 510 кг тош босади. Ёши етган сигирларнинг тирик вазни 560-620 кг (баъзи сигирлар яхши боқилганда 780 кг га етади, буқаларнинг вазни 830-1000 кг гача етади. Сўйилганда тирик вазнининг 63-65% и миқдорида гўшт беради. Боқиш ва парвариш шароитлари тенг бўлганда санта-гертруда зотли бузоқларнинг гўшт унумдорлиги кўрсаткичлари бошқа моллариникига нисбатан 20%га юқори.

Табиийки, бу зотнинг сут унумдорлиги паст. Биринчи марта болалаган сигирларнинг суткалик сут унумдорлиги 5-10 кг ни ташкил этади, сутнинг ёғлилиги 4,6%, аммо сутининг ёғлилиги 6% ни ташкил этадиган сигирлар ҳам учраб туради.



Юқори маҳсулдорли **лимузен зотини** боқиш ва кўпайтириш қийин эмас. Бу зот ҳар қандай шароитга ўрганиши мумкин. Гўшти юмшоқ, мазали ва шу хусусиятлари билан замонавий истеъмолчиларни ўзига тор-

тилади.
Лимузен зоти Франциянинг Лимузен провинциясида яратилган. Бу провинция қахратон қишлари билан танилган бўлиб, бу ерда анъанавий чорвачилик ривожланган. Лимузен зоти кўпол конституцияли маҳаллий ишчи аквитания зотини яншиллаш орқали яратилган.

Лимузен зотининг тарихи XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. XIX асрнинг биринчи ярмида Лимузен провинциясининг чорвадорлари маҳаллий молларнинг гўшт бериш хусусиятларини яхшилашга, бу зотни ишчи-гўшт-сут йўналишидаги зотга айлантиришга киришадилар. 1896 йилда лимузен зотининг насл китоби нашр этилди.

Лимузен моллари ёшлигида сўйиш учун бўлмаларда ёрдақига боқила бошланди: тирик вазни 500 кг га етганда 8-10 ойлигида ёки 10-12 ойлигида, айниқса қимматли бузоқ гўшти олиш учун 3-4 ойлигида тирик вазни 140-170 кг бўлганда. Лимузен моллари гўшт бериш ва сўйиб сотилиш хусусиятлари бўйича такомиллаштирилди (лимузен зотли молнинг гўшти Францияда энг яхши ҳисобланади ва юқори баҳода сотилади).

Экстеръери бўйича лимузен зотли қорамол гўшт йўналишидаги мол экстеръерига жуда мос. Бу зот молларининг бони қалта, пешонаси кенг, кўкраги чуқур, қовурғалари ду-

малоқ. Бу зот ранги қизил, қизил-қўнғир. Елкаси жуда кенг, мушаклари яхши ривожланган; думғазаси кенг ва думғаза мушаклари яхши ривожланган.

Туғилганда бузоқларнинг вазни 36-40 см, суткасида 800-1000 граммдан семиради. Сигирларнинг тирик вазни 580-600 кг, буқаларники—1000-1100 кг. Лимузен зоти сигирлари яхши оналик хусусиятларига эга. Болалаш осонлиги 98%. Сигирларнинг сут унумдорлиги 1200 кг дан 1800 кг гача, сутнинг ёғлилиги 5,0%. Кўп миқдорда олий сифатли гўшт беради. Сўйилганда осон нимталанади ва жуда мазали гўшт беради. Ёғлилиги юқори эмас: мушак/ёғ нисбати 7 га тенг, мушак/сут нисбати—4,7. Буқачалар 18 ойлигида сўйилганда тирик вазнининг 68-70%и миқдорда гўшт олинади. Маҳсулотнинг бошқиймати бўйича ҳам, молни боқиш рентабеллиги бўйича ҳам лимузен зоти гўшт чорвачилиги учун энг мақбул зот.

МАҲАЛЛИЙ ЗОТЛАР



Зоти яхшиланган маҳаллий сигир № 08524, туси қора-оқ, тирик массаси 375 кг, сут соғими 2754 кг.

Маҳаллий ва айниқса зоти яхшиланган маҳаллий молнинг танаси массасига ошиб боради ва бу билан бир қаторда хажмга ҳам катталашган. Новвосларнинг кунлик семириш кўрсаткичлари бир оз паст ҳисобланади. Уларнинг кунига ўртача 600-700 граммгача вазн олиши мумкин. Маҳаллий зотлар нафақат улар етиштириладиган минтақада, балки юртнинг мизининг деярли барча ҳудудларида боқилади ва чорвачилик асосан маҳаллий зотлар билан амалга оширилмоқдадир.



Маҳаллий сигир (жайдари) № 08528, туси қора тирик массаси 260 кг, сут соғими 1183 кг

Туси одатда қора рангга эга бўлиб, кўкрак қисмида бироз оқ ёки оч ранглари кўриш мумкин. Оёқлари ингичка ва калтадир.

Кўкрак қисми тор, оёқлари заиф ва ингичка. Ёзда юнглари қўсқонилади, қишга қадар юнглари ўса бошлайди ва хиралашиб қўлади.


Маҳаллий қора мол зотининг энг муҳим хусусияти шундаки, тўқ тузилиши кичик, қаттиқ ва жуда бардошлидир. Шунингдек, қорина ўт ва пичанга ҳам қаноат қилади. Бузоқларнинг туғилгандаги вазни 15-20 килограмм атрофида бўлиб, жуда нозик бўлилади.

Маълум бўлишича, уларнинг тана оғирлиги 200-250 килограммни ташкил қилади ва кунлик вазн ўсиши 450-500 граммни ташкил қилади. Ушбу тур қорамолларини боқиш афсусдодий фойда келтирмайди.

! ҚОРАМОЛ ЁШИНИ АНИҚЛАШ

Одатда, бозор ёки бошқа бир жойдан қорамол сотиб олинганда, харидор учун энг керак бўлган маълумот бу қорамолнинг ёшидир. Сигир 30 йилгача яшаши аниқланган бўлса-да (ҳозирда қайд этилганларнинг ичида энг узоқ умр кўрган сигир 30 йил яшаган), сигирнинг энг юқори маъмулдорлик даври 3 туғимдан 6-7 туғимгача ҳисобланади.

Қорамол ёшини унинг шохи ва тишлари орқали аниқласа бўлади. Сигирнинг ҳар бир ҳомиладорлигидан




Шох ҳалқаси

Чунки ҳомиладорлик даврида сигир организмда макро- ва микро элементлар етишмовчилиги шундай ҳалқа пайдо бўлиши сабаб бўлади. Сигирнинг аниқ ёшини билиш учун сигир шохидан ўрама бўғинлар (ҳалқа) сонига 2 рақамини қўшиш лозим. Чунки сигирнинг илк бузоқлаши 2 ёшдан сўнг содир бўлади. Бироқ, сигирнинг ёшини шохларнинг ўзгариш жараёнига асосланиб, аниқлаш ишончлилиги пастроқ, усул. Агар айрим сабабларга кўра сигирнинг вақтида қочирилмаган бўлиб, йил давомида қисир қолган бўлиши шохлардаги ҳалқа ҳосил бўлмайди. Бундан ташқари, агар сигир

ҳомиладорлик даврида сифатли ва баланслаштирилган рацион билан озиқлантирилса, унда шохлардаги ҳалқа ноаниқ бўлиши мумкин. Худди шу ҳолат аборт (бола ташлаш) ҳолларида ҳам кузатилади. Қолаверса, ҳозирда бузоқларни шохсизлантириш амалиётининг оммавийлашиши туфайли шохсиз сигирлар сонининг кўпайиб бормоқда.

Қорамолнинг ёшини аниқлашда ишончлироқ усул бу пастки қисмнинг олдинги тишларнинг ўзгаришига асосланиб аниқлаш бўлади.

Ёш қорамолларнинг тишлари сут тишлардан иборат. Катта қорамолларнинг тишлари эса доимий тишлардан иборат. Қорамол ёши пастки курак тишларига асосланиб аниқланади. Ўртада жойлашган курак жуфтлиги омбур тишлар деб аталади. Уларнинг икки ён томонидаги кейинги тиш ички курак тиш деб аталади. Ундан кейингиси четки ўрта ва охириги четки тишлардир.



1. Омбур тишлар;
2. Ички ўрта тиш;

3. Четки ўрта тиш;
4. Четки тиш.

■ I ҚОРАМОЛЛАРНИ ТАНЛАШ МУҲИМ

Агар сиз бўрдоқига боқиш қилиш учун қорамол олмоқчи бўлсангиз, унинг жинси ҳам муҳим саналади. Эркак моллар урғоч молларга қараганда яхшироқ семиришади. Урғочи молларда ҳар 18-21 кунда кузатиладиган куйиқиши уларнинг иштаҳасини пасайтиради ва озуқа самарадорлигини камайтиради. Шунинг учун семиртиришда эркак молларни танлаш мақсадли мувофиқдир.

Молларни ахталаш гўшт сифатига таъсир кўрсатади. Чунки ахталаш организмда ўтадиган модда алмашув жадаллигини пасайтиради ва моллар юввошлашиб, яхши бўрдоқиланади. Молларни бузоқлик давридаёқ ахталаниши боис ёғлар танани эртароқ тўплана бошлайди ва буқачаларникига нисбатан жадаллашади. Ёғлар, аввало, ички аъзоларда ҳамда мускуллар орталиғида тўпланади. Мускул тўқималарига нисбатан тўқималарининг жадал тўпланиши туфайли гўшт таркибидан ёғларнинг миқдори ошади. Натижада бундай гўшлар мазали (мрамир гўшт) майин ва юқори калориялик бўлади.

Буқачалар гўштга топшириш учун жадал боқилиб, ойлигига қадар барвақт сўйиладиган бўлса, унда ахталаш тавсия этилмайди. Чунки, бу ўсиш даврида буқаларнинг вазн ўсиши ахта қилинган молларга нисбатан 5-10 фоизга юқори. Мускул тўқималарининг жадал ўсиши давомли бўлиб, ёғларнинг жадал тўпланиш жараёни нисбатан кеч ўтади. Бир килограмм вақт кўшиш учун озуқа кам харажат бўлади. Гўшт ишлаб чиқаришни ҳозирги замон жадаллашган технологиясида буқачалар ахта қилинмайди ва 12-15 ойлигида вазни 400-420 килограммга етганда гўштга топширилади.

■ I БУҚАЛАРНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ БЎЙИЧА ТАНЛАШ


Кўриниши. Чорва молининг ташқи қиёфасига қараб буқачани семириш кўрсаткичи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Айтиш мумкинки, боши, бўйни, танаси ва оёқлари ривожланган қорамол яхши семиради. Боқиш учун буқачани танлаётганда бош, бўйин, гавда ва оёқлар ривожланганми ёки ривожланишга мос келадими-йўқлигини текшириш керак.

Ҳайвоннинг суяк тузилишини текшириш керак. Бузоқлик даврида суякларнинг яхши ривожланишига эришган ҳайвонлар олд семирадилар. Бу даврда яхши парвариш ва боқилмаган қорвалар молларида суяк тузилиши яхши ривожланмайди, буқачани тузилиши яхши ривожланмаган чорвалар эса яхши семирмайди.

Семиртиришга олинган молларнинг ташқи кўринишида буқачани сустиги ёки ирсий нуқсонлар бўлмаслиги ва касаллик белгилари бўлмаслиги керак. Чорва молининг кўзлари ёрқин, қирилари ялтироқ, бурун учи нам ва иссиқ мижоз бўлиши керак.

Ҳазил, бурун ва анусдан суюқлик оқиши бўлмаслиги керак. Семиртириладиган эркак ҳайвонлар олд томондан, қорваларни ҳайвонлар орқа томондан кенгроқ кўриниши керак. Семиртириладиган молларда кўкрак қафаси тор ва ясси, буқачани калта ва тўмтоқ, суяк тузилиши ингичка ва чорва молининг умумий қиёфасига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бундай чорва моллари яхши семирмайди. Ривожланишдан ва семиришдан тўхтаган ҳайвонларни буқачадан семиртиришга олиш фойда келтирмайди.

Шу сабабли, боқиладиган чорва моллари ривожланиб босқичида бўлганлиги, озгин ва кам боқилган бўлиши керак. Озиқлантириш натижасида келиб чиққан заифлик семириши пайтида қопланади, аммо касаллик сабаб келиб чиққан заифлик ўрнини қоплаш ҳам қийин, ҳам қимматга тушади. Боқиш керак бўлган чорва моллари бир хил ёшда ва бир хил шароитда бўлиб, уларни парвариш қилиш, боқиш ва бошқаришда енгиллик туғдиради.



Гўшт йўналишидаги қорамол

Сут йўналишидаги қорамол

Танлаш. Чорвачиликда чорва молларини ишончли бўлган битта хўжаликлардан сотиб олиш чорва бизнесида муҳим аҳамият касб этади. Маълум бўлган хўжаликлардан олинган чорва молларининг одатлари ўхшаш бўлганлиги ва чорва моллари бир-бирига кўникиб қолганлиги сабабли уларни парвариш қилиш ва боқиш осон кечади.

Бу чорва молларида касаллик хавфи ҳам кам бўлади. Ҳар хил жойдан олинган чорва молларида бир-бирига кўникиб кетиши учун вақт керак бўлади. Ҳатто буларнинг ичида подага сиғмайдиганлар ёки бошқа чорва моллари томонидан подага қабул қилинмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин.

Подага бўйсунмаган моллар бошқа чорваларга озук едирмайди, подага қабул қилинмаган чорва молларига ҳам бошқалари озук едирмайди ва доимий тарзда шох билан сузиши оқибатида яраланишига сабаб бўлади. Бундай

молларда, бу чорва молларини подадан ажратиш керак.

Шунингдек, бу ҳолат подани боқишда ва парвариш этилишда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун, иложи борича битта фермадан ёки бир-бирига яқин фермалардан чорва молларини сотиб олиш энг маъқул йўл ҳисобланади. Чорва молларини сотиб олишда ҳудуд ҳам муҳим аҳамиятга эга. Турли йил минтақалардан олиб келинган чорва моллари билан биргаликда ҳар хил касалликлар ҳам кириб келади.

Шунинг учун ҳўжалигингизга яқин бўлган бошқа ҳўжаликлардаги чорва молларини танлаш энг тўғри йўл ҳисобланади.

■ I БОШҚАРИШ ВА МАЪМУРИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР

Боқишни ўз вақтида бошламаслик, семиртириш мавсумининг нотўғри танланиши, чорва молларини сотиб олишда ва сотишда транспорт каби масалаларда яхши бошқарилмайдиган корхоналарда бизнес рентабеллиги пасаяди. Корхоналарнинг рентабеллиги учун бошқарув ва маъмурият ҳам жуда муҳимдир. Бошқарув ва маъмурият билан боғлиқ омиллар қуйидагилар:

- 2.1. Чорва молларини ташиш;
- 2.2. Карантинга олиш;
- 2.3. Рақамлаш, эмлаш ва дезинфекциялаш;
- 2.4. Туёқларни парвариш қилиш;
- 2.5. Боқиш учун тайёргарлик.

БИЛАСИЗМИ?


Қорамолларда вазн ортиши билан кунлик озуқа истеъмоли ҳам ошади. Шу сабабли, чорва молларини танлашда вазни паст бўлган чорва молларига эътибор бериш керак. Тана вазни паст бўлган чорва моллари ҳам арзон, ҳам кам сармоя талаб қилади, озроқ озуқа истеъмоли қилиш орқали тезда тана вазни ошади.

■ | ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ТАШИШ (Транзит)

Парвариш қилишга олинadиган қорамолларининг боқилadиган жойдан олиб, бозорга олиб кирмасдан тўғридан-тўғри молхонага олиб борилиши энг тўғри йул ҳисобланади. Бозорга олиб кирилган чорва молларида йул стресси, кутиш стресси, очлик ва ташналик стресслари кузатилади. Бозорга олиб келинган қорамоллар бошқа моллардан касаллик юқтириб олиши ҳам мумкин.

Чорва молларини ташишда транспорт воситасининг қорамолларни ташиш учун қулай бўлишига эътибор бериш керак. Ташиш пайтида чорва молларининг бир-бирини эзиш ташламаслиги ва жароҳат етказмаслигининг олдини олиш мақсадида ҳар бири учун етарли даражада жой ажратилиш керак.

Масофаси 300 км гача бўлса, автомобилда ташиш иқтисодий самара беради. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари махсус тайёрланган автомобилларда ташилади.



Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари 6 соатгача бўлган узоқ масофага ташилганда улар озиклантирилмайди ва суғорилмайди, 6 соатдан кўп масофага йўл юриладиган бўлса, уларга дам берилади ва озиклантирилади.

Оғирлиги 100-150 килограмм бўлган чорва моллари учун $0,5 \text{ м}^2$ жойни ажратиш керак. Тана вазни 150-200 килограмм бўлган чорва моллари учун $1,0-1,5 \text{ м}^2$ жой ажратилиши керак. Чорва молларини юклардан олдин транспорт воситасини босимли сув (карчер) билан ювиш ва кейин дезинфекция қилиш керак. Чорва молларини транспортга юклардан олдин қуруқ ўт ва сув берилиши керак. Ташиш пайтида ёпиқ вагонларни шамоллатиш, очиқ вагонлардаги чорва молларини шамолдан тўсилганлигига эътибор қаратиш лозим. Транспорт воситаларининг таг қисми одатда ёғочдан ёки металл листдан тайёрланади. Ташиш пайтида ҳайвонларнинг сийдиги ва гўнгини олишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, улар остида тулланиб қолган гўнг қорамолларнинг сирпаниб тушишига олиб келади. Тор ерга сирпаниб йиқилган қорамолларнинг туриш ҳам қийин бўлганлиги боис, йиқилган мол туёқлар тагида қолиб босилади. Бунинг олдини олиш учун транспорт воситаларида қорамолларнинг тагига кўпроқ тўшама (сомон, похол, опилка) ташлаш ва чорва молларнинг сирпаниб кетишига қарши чоралар кўрилиши керак.



Йўл масофасига қараб қорамоллари ташиш пайтида вазн йўқотиш ҳолатлари кузатилади. Вазн йўқатилиши йўл узайгани сайин ортиб боради.

Вазн йўқатилиши 24 соатлик йўл юриш давомида 3-4 фоизни, 36 соатлик йўлда эса 4,5-5,5 фоизни ташкил қилади.


Қорамолларнинг ташиш масофасига қараб жами тирик вазнига нисбатан вазн йўқотиш, % ҳисобида

Йўл масофаси км	Қорамоллар
40 км гача	1,2
40-80	2,1-3,1
100-150	3,5-3,8

Вазн йўқолишини олдини олиш мақсадида қорамолларга 6-7 соатдан кўпроқ вақт талаб қиладиган йўллар бўлса уларга дам бериш, суғориш, 4-5 кг пичан бериш керак.

■ | КАРАНТИНГА ОЛИШ

Янги олиб келинган қорамоллар олдин олиб келинган қорамоллар ёнига қўйилмаслиги керак. Агар молхонада чорва ҳайвонлари сақланмаган бўлса, унда янги олиб келинган чорва ҳайвонларини тўғридан-тўғри молхонага жойлаштириш мумкин.



Карантин хона

Агар молхонада бошқа қорамоллар парваришланаётган бўлса, янги олиб келинган қорамоллар 15 кун давомида алоҳида (изолятор) хонада сақланиши керак. Ушбу алоҳида бўлим (изолятор) жойи деб аталади ва бу ердаги 15-20 кун муддат карантин даври деб номланади. Ушбу даврда касаллик шубҳа қилинган бўлганлари пайдо бўлса, тегишли чоралар кўрилади. Ушбу тадбирларни фойдали томонларидан бири янги олиб келган қорамоллардан молхонадаги чорва молларига касаллик юқишини олдини олишдир.

Молхонадаги чорва моллар баъзи касалликларга қарши иммунитетга эга бўлиши ва касалликнинг ўзини кўрсатмаслиги мумкин, аммо улар касалликни юқтиришга мойил бўлиб, улар касаллик ташувчиси бўлиши мумкин, бундай чорва моллари ташувчи чорва моллар деб аталади. Карантин

даврининг сақлаш пайтида янги олиб келган чорва ҳайвонлари иқлим ва озикланиш шароитларига анча кўникиб қолишади.

Карантин жойи хўжаликларнинг шароитидан келиб чиқиб 15-25 бош қора мол учун карантин жойи етарли бўлиши керак. Карантин даврида чорва ҳайвонлари боғланмаган ҳолда юришларига қулай бўлиши керак.

■ I РАҚАМЛАШ, ЭМЛАШ ВА ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ

Чорвачиликни муваффақиятли юритиш учун ҳайвонлар идентификацияси катта аҳамиятга эга. Идентификация (тамғалаш) бу – ҳайвон “шахси”ни аниқлаш демакдир. Идентификациянинг энг биринчи босқичи бу ҳайвонни тамғалашдир. Тамғалашнинг турли-туман усуллари қўлланилади.

Ҳайвонларга турларига қараб индивидуал рақам бериш кўйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

а) биркалаш усули – бу усул қорамол, қўй ва эчкилар, туялар, чўчқаларнинг қулоғига биркаларни тақиш орқали амалга оширилади ва у ҳайвонларнинг яшаш даври давомида олинмайди,

б) тавро босиш (тамғалаш) усули бу – усул от ва эшакларга нисбатан қўлланилади, яъни, от ва эшакларнинг танасининг чап томони курак соҳасига суюқ азот ёрдамида республика, вилоят тартиб коди ва бел соҳасига индивидуал рақами қўйилади. Бунда тавро (тамға) ўлчамининг баландлиги 50 мм, эни 30 мм бўлиши лозим;

в) чип ўрнатиш (электрон идентификация) усули бу – усул ҳайвонларнинг барча турларига қўлланилиши мумкин ва ҳоказо. Лекин ҳозирги кунда қорамолларни тамғалашда уларнинг қулоғига сирға (бирка) тақиш энг самарали усул бўлиб ҳисобла-



Рақамланган сирға (бирка)



Қулоқни кесиш (кертиш)

ЭМЛАШ



Чорва ҳайвонларда турли юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари олиб борилиши керак. Чорва ҳайвонлари орасида турли хил юқумли, юқумсиз ва

бошқа касалликларнинг пайдо бўлиши оқибатида маҳсулот миқдори ва сифати камайиши туфайли жиддий зарар келтириши билан бир қаторда инсон соғлиғига ҳам хавф туғдиради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида касалликларга қарши кураш ва унинг олдини олиш чорва маҳсулдорлиги ва сифатини оширишининг асосий мезони ҳисобланади. Ветеринария қонуни талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда тишқил қилиниши лозим.

Бунда туман ветеринария бўлимига, мурожаат қилинади. Чорва моллари орасида учрайдиган бир қатор юқумли касалликлар (**кўйдирғи, қутуриш, оқсил, қорасон, ва ҳ. к.**) касалликларига қарши, эмлаш чоралари амалга оширилади ва чорва молларининг умумий соғлиғи текшириб борилади.

ЎТКАЗИЛГАН ПРОФИЛАКТИК ВА МАЖБУРИЙ ЭМЛАШ ИШЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ТАДБИРЛАР

Т/р	Сана	Ўтказилган тадбирлар	Ижрочи	
			Ф.И.Ш., лавозими	Имзо

VI. ДАВОЛАШ ИШЛАРИ

Т/р	Сана	Касаллик ташхиси	Натижа, сана	Ижрочи	
				Ф.И.Ш., лаво- зими	Имзо

■ I ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕЗИНСЕКЦИЯ ВА ДЕРАТИЗАЦИЯ

Дезинфекция. Агар чорва ҳайвонларида ўз вақтида паразитларга қарши кураш чоралари олиб борилмаса, бу паразитлар, чорва моллари қонини сўриб олиши ёки иштаҳасини йўқотиш орқали семириш кўрсаткичини пасайтиради.

Чорва ҳайвонларини маҳсулдорлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда дезинфекция ишларини олиб бориш таъкид этилади.



Дезинфекция ишлари

Охурларни ҳар бир озуқа солиш олдидан тозалаш ва ҳар 7-10 кунда сўндирилмаган оҳак билан оқлаб туриш зарур. Ширали ва суюқ озуқа берилишидан олдин охурлар, шикса, пухталиқ билан тозаланиши керак.

Оҳак эритмасини олиш учун 1-2 кг оҳак бир литр сувда сўндирилади ва сўнгра 9 литр сувда суюлтирилади. Оҳакни сўндирганда қўл ва юз терингизни куйишидан сақланинг.

Қул-ишқорли эритмани тайёрлашда 1-2 кг тозаланган қул 10 литр сув билан аралаштириб, икки соат давомида сўнатилади. Олинган қуюқ эритма сузилади. Ювиш ва дезинфекциялаш учун эритмани бир неча бор иссиқ сув билан суюлтирилади. Эски, намланиб қолган қул бу мақсад учун яроққиздир. Молхона дезинфекцияси ва умумий тозаланиши йилига икки мартаба, қишлоқ олдидан ва ёз мавсуми бошида ўтказилади. Молхона гўнждан тозалангандан сўнгра девор ва шифтлар 10 фоизли сўндирилмаган оҳак эритмаси билан оқланади. Ер тахта полдан иборат бўлса, қўлди шу эритма билан ишлов берилади, тупроқдан бўлса, 5% ли хлорли оҳак билан ишлов берилади. Гўнглاردан тозаланади ва 10% ли хлорли оҳак эритмаси билан ишлов берилади. Бунда ҳар бир кв м майдонга 10 л эритма

сарфланади. Юқумли касаллик чиққан ҳолларда ҳам хона ва майдончалар тозаланиб, дезинфекция қилиниши керак. Бунда ҳар бир иш қуроли ва асбоб-ускуналар ҳам пухта дезинфекция қилиниши шарт.

Биласизми?

Афсуски, дунёдаги барча мавжуд қон-паразитар касалликларга қарши кураш препаратлари фақат маълум бир гуруҳ касаллик штаммларига қарши самаралидир. Холос. Агар мол янги касаллик штамми билан оғриси, бу препарат самарадорлиги кескин пасаяди, шунинг учун қон паразитар касалликларга қарши курашнинг энг яхши усули улар турадиган жойни мунтазам дезинсекция қилиш бориш ва каналарга қарши препаратлардан фойдаланиш туришдир.

Дезинсекция. Ҳайвонлар танасидаги хашарот ва куртларни йўқ қилиш, шу билан бирга улар яшайдиган муҳит, охурлар, ер, девор ва шифтлардаги зараркунанди хашаротларни қириш жуда ҳам муҳим. Бунда қайси асосий қоидаларга риоя этиш керак?

Авваломбор, дезинсекция пайтида ҳайвонлар хонадан бўлмаслиги керак. Муолажадан сўнг ҳам дори ва зарарли моддалар шамоллаб қуриш учун бироз вақт талаб этилади.

Иккинчидан, дезинсекция тадбирида сўндирилмаган оҳак эритмаси ҳам катта фойда беради.

Учинчидан, препаратни тўғри танлаш лозим. Афсуски, кўпинча препаратлар қўланса ҳидли бўлса ҳам керакли самарага эга эмас. Шунинг учун ветеринар билан қайси препарат ҳозирги кунда энг юқори самарадорликка эгаллиги ҳақида маслаҳатлашинг!



Дезинсекция ишлари



Бундан ташқари, бироз унутилган, лекин самарали усул - олтингугурт тутуни билан ишлов бериш ҳам яхши усул ҳисобланади. Ушбу усулда хонанинг ҳар бир куб метрига 30 г (3 ош қошиқ) олтингугурт тутатилади.


Ҳашаротларга қарши курашда пашшаларни йўқ қилиш алоҳида ўрин тутади. Пашшалар хавfli юқумли касалликлар тарқатувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, улар ҳайвонларни безовта қилади ва маҳсулдорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Пашшаларга қарши курашда асосий масала тозалikka риоя қилиш – гўнгни тез-тез чиқариб туриш, охурларни мунтазам ювиб туриш, молхонани сўндирилмаган оҳак

билан оқлаб туриш, гўнгни молхонадан узоқда тўплаш ва гўнгда пашша личинкалари нобуд бўладиган шароитларни яратиш (чиритиш). Пашшаларни йўқ қилиш учун махсус аттрактантлар (ҳашаротларни ўзига чақириб, сўй ўлдирадиган моддалар) mavжуд.



Ички ва ташқи паразитларга қарши албатта **дезинфекция ва дезинсекция** ишлари бажарилиши керак. Ушбу тадбирлар ташқи паразитларга қарши курашиш ҳисобланади.

Дератизация (кемирувчилардан тозалаш). Деҳқон хўжаликлариде чорвачилик билан шуғулланилганда кемирувчиларга қарши кураш муҳим мисаллардан биридир. Кемирувчилар ем-хашакларни истеъмол қилгандан ташқари, қурилиш иншоотларини емириш ҳам хўжаликка катта моддий зарар етказади. Бундан ташқари, сичқон ва каламушлар кўп касалликларнинг (**қутуриш**) ташувчилари ҳисобланади.



Кемирувчиларни йўқотишда қопқонлардан фойдаланиш мумкин. Кимёвий моддалардан фойдаланиш сўндирилмаган оҳак, гипс, цемент аралаштирилган озукдан

Ҳақлар яхши самара беради. Ушбу моддаларни ун ёки дон қўшимчаси билан яхшилаб аралаштиргандан сўнг сичқон ва қўшамушлар чиқадиган тешик ва уяларга қўйилади.

ТУЁҚЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ



Қорамолларда туёқлар ойига 6-7 мм ўсади. Яйловда ўтлайдиган ёки эркин юрадиган молларда туёқлар меъёрда ўсган бўлади.

Доимо боғланган ҳолда турадиган ва юмшоқ полли жойларда турадиган чорва молларида туёқ ўсиши тезроқ бўлади ва бир мунча вақт ўтгач туёқлар ўсиб, бир-бирини ўстига чиқиб кетиши оқибатида юқорига қайрилади ва синишига олиб келади:



Туёқ чириши

Ўсиб кетган ва синган туёқлар чорва молларининг ўзиндан туришига ҳалақит беради. Чорва моли оёқда туришига қийналади, бунинг оқибатида доимий равишда ўтишни истайди, иштаҳаси йўқолади ва семириш кўрсаткичи

тушиб кетади. Ўсаётган ва синган туёқлар орасида ўғитлар тўпланиши боис, туёқнинг таг қисми чиришига олиб келади.

Узоқ вақт боқиладиган чорва молларининг туёқларини шу тарзда ўсадиган бўлса, туёқларни кесиш йўли билан даволаш мумкин.

Туёқ кесиш учун турли асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Агар бир мартада кўплаб сигирларнинг туёғи кесиладиган бўлса, туёқларни электр асбоблар ёрдамида кесиш ва силлиқлаш қулай.



Туёқларни даволаш кесиш ишлари

Афсуски, туёқ кесиш бир марталик иш эмас. Гарчи туёқ кесилиши оёқ тузилиши, сигирнинг юриши ва умумий ҳолатини бирмунча яхшиласада, кесишдан аввал оқсоқланган сигирларда туёқ суягида бирор ички камчилик бўлади ва бундай сигирларда анча тез ўсади.

■ | БОҚИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК

Боқиш учун янги олиб келинган чорва молларини озуқаларга кўникиши узоқ вақт давом этиши мумкин. Янги олиб келинган чорва молларига биринчи кунда тирик вазнига қараб тўла қонли рацион асосида озиқлантириб бориш керак аста секинлик билан рационни 0,5-1,0 озуқ

бирлигига кўпайтириб юқори тўйимли озуқалар берилиши керак.

Уларнинг олдида доимо тоза ва сифатли сув бўлиши керак. Концентрат озуқалар миқдори кунига 100-200 граммга кўпайтирилиши керак, 15 кун ичида 2,5-5,0 килограммгача кўпайтирилади. Ушбу даврда дағал озуқалар беришни камайтириб, бунинг ўрнига боқиш давомида, ширали ва концентрат каби озуқалар берилиши керак. Чорва молларини боқишни бошлаганда, мослашиш мараёнида чорва молларга фақат сомон ва кепак берилиши бошқозоннинг мослашиши нуқтаи назаридан мос келмайди.

■ ЧОРВАЧИЛИК БИНОЛАРИНИНГ РЕСУРС ТЕЖАМКОР ЛОЙИҲАЛАРИ

Қорамолларни боқиб семиртириладиган жойлар молхоналардир. Очиқ жойларда ва оғилхоналарда боқиш учун ишлатиладиган жойларни бошпана, ёпиқ жойларда боқиш учун ишлатиладиган жойларни молхона деб аташ тўғри. Гарчи молларни боқиш учун турли хил бошпаналар қилинган бўлса-да, одатда 4 турдаги боқиш бошпаналарини афзал кўришади.

- 6.1 Очиқ эркин турадиган бошпана тизими;
- 6.2 Ярим очиқ эркин юрадиган турар жой тизими;
- 6.3 Ёпиқ турдаги эркин юрадиган молхона тизими;
- 6.4 Ёпиқ турдаги боғлиқ ҳолда турадиган молхона тизими.

■ I ОЧИҚ ЭРКИН ТУРАДИГАН БОШПАНА ТИЗИМИ

Ушбу тизим кўп гўшт етиштириладиган мамлакатларда кенг тарқалган. Ушбу тизимда чорва моллари сим ёки бошқа материаллар билан ўралган очик жойларда жойлаштирилади. Ушбу майдонларни ҳар бирида 15-20 тадан чорва моллари бўлган майдонларга бўлиш керак. Ҳар бир майдонда бир қорамол учун 8-10 м² жой, 40-50 см узунликдаги охур ва етарлича катта сув қувири бўлиши керак. Агар озуқа етарли бўлмаса, заиф ҳайвонлар оч қолади, бу эса кутилган семириш кўрсаткичини пасайтиради.

Озиқлантирувчи воситалар очик майдоннинг ўртасида амалга оширилиши керак. Шундай қилиб, жуда ёмғирли кунларда чорва моллари озиқланиш жойининг устини пана қилиш осонроқ бўлади. Чорва молларининг боқишда икки томонлама озудан фойдаланишни кам қўллаш керак, чорва молларининг юриш жойлари кенгрок бўлиши мақсадга мувофиқ.

Озиқланадиган ва сув ичадиган охурлар темир ва бетондан қилинса мустаҳкам бўлади. Озиқлантириш ва суғориш ишлари очик жойларда амалга оширилади. Ушбу тизим баъзи камчиликларга эга бўлиши билан бирга, фойдали жиҳатлари ҳам кўп.

Тизимнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат

- Қурилиш харажатлари кам.
- Иш ҳақи кўрсаткичи паст.

- Ҳаддан ташқари кўп чорва молларини подахоналарга бойлаштириш мумкин.
- Чорва моллари эркин юрганлиги сабабли, истаганича вақт ва сув истеъмол қилади.
- Боқиш иссиқ мавсумда ҳам амалга оширилиши мумкин.
- Узоқ муддат боқиш учун қулай.
- Касалликларга чидамлик ошади, айниқса ўпка ва узоқ касалликлари камаяди.
- Чорва моллари, гўштининг сифати ошади ва ички ёғ миқдори пасаяди.

Озуқаларнинг истеъмол қилиш даражаси ошади, парваришlash куни қисқаради фойда олиш ҳам юқори бўлади



Очиқ эркин турадиган бошпана тизими

■ ЯРИМ ОЧИҚ ЭРКИН ЮРАДИГАН ТУРАР ЖОЙ ТИЗИМИ

Ушбу турдаги тизимда бошпананинг жанубга қараган қисми очик, қолган 3 томони девор билан ўралган бўлиши керак. Чорва молларининг умумий ётадиган жойи тоза билан ёпилиши ва улар юрадиган жой очик бўлиши керак. Бошпанани катталигига қараб темир ёки бошқа материаллар билан қисмларга бўлиш мумкин.

Ҳар бир қисмда 15-20 та ҳайвон бўлган ёпиқ ва очик жой бўлиши керак. Қоплама остида бўлган ҳар бир чорва бошига 1,5-2,0 м² жой, очик жойларда эса 3,5-4,0 м² жой ҳисоблаш керак. Ётадиган жойи очик жойдан 10-15 см баландроқ бўлиши керак. Очик жойларни иложи борида кенгроқ қилиб қуриш керак. Ушбу тизимда ҳар бир қисмда ҳар бир ҳайвон учун 40-50 см узунликдаги охур ва етарли катталиқда сув идиши бўлиши керак ва овқатланадиган жой очик жойнинг ўртасига жойлаштирилиши керак. Шундай қилиб, жуда ёмғирли кунларда чорва моллари озикланадиган жойнинг устини пана қилиш осонроқ бўлади.

Чорва молларини боқишда икки томонлама озуқадан фойдаланишни кам қўллаш керак. Шунинг учун чорва молларининг юриш жойлари кенгроқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимда қурилиш қиймати нисбатан паст, кам ишчи кучи талаб қилинади. Ёз даврида барча томони очик бино остидаги тоза ҳаво ва салқин шабада молларнинг организмига ёқимли таъсир кўрсатиб, уларнинг иштаҳасини очади ва маҳсулдорлигини оширади.

Қишнинг совуқ ва изғирин кунларидагина бетоннинг шамол эсиш томони бризент ёки полиэтилен плёнка билан тўсилади. Иссиқдан, совуқдан ва шамолдан чорва молларининг ҳимояланганлиги боис барча фаслларда боқиш мумкин. Узоқ муддат боқиш талабларига жавоб беради.



Ярим очиқ эркин юрадиган турар жой тизими

ЁПИҚ ТУРДАГИ ЭРКИН ЮРАДИГАН МОЛХОНА ТИЗИМИ

Бу энг кам ишлатиладиган тизим. Ушбу тизимда чорва моллари бошидан охиригача ёпиқ молхонада эркин сақланади. Молхона 8-10 та ҳайвонни сиғдира оладиган

бўлимларга бўлинган. Ушбу бўлинмаларга бир хил таъин вазиға эга чорва молларини жойлаштириш керак. Шу тарзда, гуруҳдаги молларни семиртириш имконияти пайдо бўлади. Бўлинмалар чорва бошига 6 м² дан тўғри келиши лозим. Ушбу тизимда қурилиш ҳаражатлари қиммат, иш ҳақи эса нисбатан паст бўлади. Молхона таги бошидан охиригача тозаланмайди. Шу сабабли молхонанинг ҳавоси жуда оғир бўлади. Агар шамоллатиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган бўлса, ўпка касалликлари тез-тез учрайди. Ушбу молхонанинг таги тез-тез тозалаш ишлари қийинчилик туғдирганлиги сабабли, туёқ касаллиги кўпаяди.



Ёпиқ турдаги эркин юрадиган молхона тизими

■ I ЁПИҚ ТУРДАГИ БОҒЛИҚ ҲОЛДА ТУРАДИГАН МОЛХОНА ТИЗИМИ

Ушбу тизимда ҳайвонлар бошидан охиригача ёпиқ молхонада боғланган ҳолда сақланади. Мамлакатимизда ушбу тизим ҳамма жойда энг маъқул ва кўп қўлланиладиган тизим ҳисобланади. Бироқ, семиртириш ишлари одатда яроқсиз молхона шароитида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, молхоналар ёруғ ва ҳаво айланиш тизими яхши бўлиши керак. Молхонанинг тоза ҳавоси чорва молларининг

цикланишига ижобий таъсир қилади. Молхона ҳавосини тоза сақлаш учун ҳар куни чорва молларининг таг қисмини тозалаш ва молхонага гўнг йиғмаслик керак. Молхона ёналари етарлича катталиқда ва ҳаво айланишига эга бўлиши керак.

Молхонада шамоллатиш шахталари бўлиши керак. Акс ҳолда молхонада карбонат ангидрид (CO_2) ва заҳарли газлар кўпайиб, боқиладиган молхона жуда ёмон ҳидга эга бўлади. Бу чорва молларига салбий таъсир қилади, унинг иштаҳаси пасаяди ва вазн ортиши камаяди. Чорваларни молхоналарда боқётганда совуқдан кўркмаслик керак. Чунки ҳайвонлар -30 °C гача бўлган иссиқ ҳавода ҳам ҳийинчиликсиз семириши мумкин. Молхоналарда ҳаво ҳарорати 10 °C дан $+20$ °C гача. 10 °C дан пастга тушганда, озуқа сарфи 8-10 фоизга ошади. 20 °C дан юқори бўлганда чорва моллари безовталанади ва семирмайди. Чорва молларини жойлаштириш уларнинг семиришига қараб 50-100 бошни ташкил қилиши мумкин. Агар боқиладиган чорва моллари сони 100 бошдан кўп бўлса, унда молхоналар сонини кўпайтириш керак бўлади. Чорва молларини молхонанинг кенглигига қараб 2 қатордан ёки 4 қатордан боғлаш мумкин. Чорва моллари одатда бир-бирига қарама-қарши ҳолатда боғлаб қўйилиши керак.

Шу тарзда боғлаш, молларга озуқаларни тарқатишга ва гўнгларини олишда қулай бўлади. Ёпиқ бўлган молхона тизимида қурилиш харажатлари қиммат ва иш ҳақи катта бўлади. Эмлаш ва паразитларга қарши чўмилтириш осонроқ бўлади. Озуқа беришни осон амалга ошириш мумкин. Чорва моли пассив бўлгани учун озуқани озроқ истеъмол қилади, ammo ҳаракатсизлик туфайли ички ёғ тўпланиши кўпаяди. Иссиқ мавсумда боқиш ва узоқ муддат сақлаш учун мос эмас.




Ёпиқ турдаги боғлиқ ҳолда турадиган молхона тизими

ОЗУҚАЛАРНИ ЖАМҒАРИШ, САҚЛАШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Озуқалардаги тўйимли моддалар ва уларнинг аҳамияти

Чорва моллари озиқлантиришда инсонга рақобатбардор бўлмай, турли ўсимликлар озуқаларини истеъмол қилиб сўт ва гўшт маҳсулотларига айлантиради. Озуқалар таркибидаги тўйимли моддалар ва уларни организмда енгил ҳазм бўлиши билан характерланади. Шунингдек мазали таъмга эга бўлиб, моллар саломатлигига хавfli, заҳарли моддалардан ҳоли бўлиши керак. Ўсимлик озуқаларининг озуқавий қийматини уларнинг кимёвий таркиби белгилай беради. Озуқаларнинг кимёвий элементлари бир-бири билан маълум даражада боғланишликда бўлиб, турли органик ва минерал моддаларни ҳосил қилади ва улар турли гуруҳларга бирлашади. Уларни сув, минерал (кул) ва органик моддалар - оқсиллар, углеводлар ва ёғлар ташкил этади. Ўсимликларнинг қуруқ моддаларида углеводлар нисбати юқори.

Ҳимлик озуқалари ва ҳайвон организмнинг схематик кимёвий анализи қуйидаги кўринишга эга



Озуқалар таркибидаги сув миқдори 5-95% га тенг. Озуқалар таркибида сув қанча кўп бўлса ундаги қуруқ модда миқдори ва тўйимлилик қиймати шунча паст бўлади.

Юқори тўйимли ва айниқса, ёғ ва дон саноати ишлаб чиқаришидан олинган озуқалар таркибида сув кам. Жумладан, кунжарада-10 % га яқин, дон-кепагида - 12-14%, пичанда - 14-17%, турли яшил озуқаларда - 70-85%, силосда 60-70%, сенажда 45-55 %, илдизмеваларда - 90%дан юқори.

Юқоридаги **қуруқ моддалар** намуналардаги намлик 102-105 °C қуритиш йўли билан аниқланади. Бунда қуруқ модда органик (кулдаги) қисмига ва органик бўлмаган (куймайдиган) минерал моддаларга бўлинади.

Озуқалар таркибидаги **минерал моддалар** қуйидаги кимёвий элементлардан иборат - нитрат, калий, кальций,

фосфор, темир, магний ва бошқалар. Ҳасилдорликдаги барча минерал элементлар комплекси ҳайвон организмиде нормал ҳаёт фаолияти учун зарур. Янги тўқималарни шакллантириш материали ҳисобланади. Айниқса, ўсимлик бораётган ёш организм учун муҳим. Ҳайвонлар танасидаги тўқималарда соматик босимни сақланишига ёрдам кўрсатади.

Қуруқ модданинг органик қисми икки гуруҳга бўлинади: азот сақловчи моддалар – хом протеин (оқсиллар) ва азотсиз моддалар (амидлар). Оқсиллар озуканинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Лекин турли озукалар таркибида уларнинг қиймати турлича. Оқсил қиймати унинг структурасини ташкил қилган аминокислоталарга боғлиқ. Уларнинг сони 30 га яқин бўлиб, 10 тасилизин, триптофан, гистидин, лейцин, изолейцин, фенилаланин, трионин, метионин, валин, аргинин, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар. Озуқалар оқсиллари бирлашмасида уларнинг камчилиги ёки йўқлиги ёш молларнинг ўсиш ва ривожланишини пасайтиради ва етук молларнинг физиологик жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Озуқа **протеин таркибидаги аминокислоталар** ҳайвон танасидаги оқсилларга қанчалик яқин бўлса, уларнинг биологик қиймати шунчалик юқори. Кунжара ва шрот (35-45%) дуккакли дон (25-30%) озукалар оқсилга бой. Бошоқли донларда (8-12%) улар кам миқдорда, илдизмевалиларда (1 фоизгача) унданда паст. Ҳайвонлар учун оқсилларни озукалар билан доимо етиб бориши ҳаётан жуда муҳим.

Амидлар – ноорганик моддалардан шаклланган оқсиллар ёки ферментлар ва бактерияларнинг (жумладан, силослашда) таъсирида оқсилларни парчаланишида ҳосил бўлади. Жадал ўсиш даврида ўрилган озукалар (кўк ўтлар) ва силос амидларга бой.

Азотсиз моддалар – озуқалар органик моддаларининг бир қисми. Озуқалар таркибининг кўпчилик қисмини улар ташкил қилади ва углеводларга ҳамда ёғларга бўлинади. Углеводлар (карбон сувлари) ҳайвонлар танасидаги ёғларни шакллантириш учун керакли.

Углеводлар гуруҳи ҳам клетчаткага ва азотсиз экстрактив моддаларга бўлинади. Хом клетчатка – ўсимликлар тўқимасининг асосий қобиғ қисми. Улар меъёрий миқдорда ичак тракти ишини кучайтиради.

Ёғлар моллар энг юқори энергия манбаи ҳисобланади. Илдизмевали ўсимликларда улар миқдори 0,1 фоиздан ёғли ўсимликларда 30 фоизгача кўтарилади. Ўсимлик ёғи асосан ўйинмаган ёғ кислоталардан иборат.

Азотсиз экстрактив моддалар – қанд ва крахмал. Моллар учун энергия материали ҳисобланади ва семиртиришда ёғ тулланишининг асосий манбаини ташкил этади. Бошоқли эгинлар донида ушбу моддалар миқдори 70 фоизгача этади.

Биологик актив моддалар–витаминлар ва гормонсимон моддалар. Улар миқдори оз бўлсада организм учун муҳим аҳамиятга эга.

Витаминлар организмда физиологик жараёнларни бошқаради. 20 га яқин витаминлар яхши ўрганилган. Улар асосан гуруҳга бўлинади: ёғда эрувчан (А, Д, Е, К) ва сувда эрувчан (В витамин комплекси ва С ҳамда Р витаминлари).

Беданинг кўк массаси ва бошқа кўк ўсимликлар витаминли озуқалар ҳисобланади. Қизил сабзи, озуқа қовоқлари, пичан, силос ва бошқа озуқалар витаминларга бой. Витаминлар организмга специфик (ўзига хос) таъсир кўрсатади.

■ I ОЗУҚАНИ САҚЛАШ

Дағал озуқаларни сақлаш. Дағал озуқалар – пичан, сомон, похол ва турли ўсимликлар барги ва пояси ҳажмли озуқалар ҳисобланиб, таркибида кўп миқдорда (30-40 фоизгача) клетчатка мавжуд. Уларнинг кўп қисми ҳали бўлмайдди. Дағал озуқаларнинг тўйимлилик қиймати катта ўзгарувчанликда. Уларни ўриб олиш усули, вақти, муддати (шоналаганда, гуллаганда ва ундан сўнг) ва албатта сақлаш усулига боғлиқ.



Прессланган пичанларни айвонлар ичида сақлаш



Майдаланган пичанларни
плёнка остида сақлаш



Прессланган пичанларни очик
гараларда сақлаш

Дағал озуқаларни сақлашнинг энг маъқул усули бу – уларни усти ёпилган очик биноларда сақлашдир. Дағал имларни баъзи корхоналарда омборнинг иккинчи қаватида ёки чодирда сақлашади, шунингдек, очик жойда тўпланиб, сун ўтказмайдиған материаллар билан қопланишини керак.

Ширали озуқаларни сақлаш. Моллар рационининг оссий қисмини силос озуқаси ташкил этади. Силосни турли (маккажўхори, оралик экинлар, кунгабоқар ва бошқа) ўсимликлардан бостириш мумкин. Силос бостириш рун кенглиги 6 дан 18 метргача ва баландлиги 2,5 дан 3,5 метргача ва узунлиги 15 дан 45 метргача бўлған бетон траншеялар қурилади. Ер ости сувлари паст бўлған жойларда траншеялар ердан паст чуқурликда, ер ости сувлари яқин бўлганда улар ернинг устига қурилади. 250, 500, 750, 1000 тоннага мўлжалланған траншеяларни қуриш лойиҳаси мавжуд.

Майдаланган кўк массалар траншеяларга оғир тракторлар билан 3-5 кун мобайнида зичлантирилиб бостирилади. Сунг силос массаси усти полиэтилен

плёнкалар билан ёпилиб устидан тупроқ ёки бошқа юклар бостирилади. Бостирилган силос массаси 30-40 кунда молларга бериш учун етилади.

Хашаки лавлаги сақлаш. Лавлаги октябрь ойида (ширага тўйинганида) йиғиштириб олинади ва махсус майдончаларда тахланиб сақланади. Лавлаги тўпламларининг усти сомон ва похол билан (совуқ, урмаслик учун) яхшилаб ёпилади. Тўпламининг кенглиги 3-4 м ва баландлиги 1,5-2 м да ташкил этилади. Узунлиги 15-30 метргача бўлиши мумкин. Ҳар 5-6 метр ораликқа ҳаво алмашинуви учун ёғоч мўрилар ўрнатилади. Лавлаги қиш мавсумида ноябрь-март ойларида молларга едирилади.

Концентрат ва омукта емларни сақлаш. Концентрат озуқалар сақланадиган жойлар тўғри танланиши керак. Ушбу омборларнинг тепа қисмидан сув оқмаслиги, паст қисми нам бўлмаслиги, ёруғ ва ҳаво айланиши яхши бўлиши керак.

Озуқалар қопланган ҳолда бўлса, озуқа омборининг тагига ёғоч панжара қўйиш, озуқалар устма-уст жойлаштирилмаслиги керак. Максимал 5 та қопни бири-бирининг устига қўйиш керак. Ёнма-ён қўйилган қоплар орасидан ҳаво айланиши яхши бўлиши учун қоплар орасида бўш жойлар қолдириш керак. Агар емлар бири-бирининг устига жуда кўп жойлаштирилса ва улар ёнма-ён жойлашганда бўш жой қолмаса, озуқа қизийди, хидланиб, моғорланиб, чирийди.



Концентрат озуқаларни сақлаш

Ушбу моғорланган озуқаларни истеъмол қилган чорва айвонлари касал бўлади ёки иштаҳаси йўқолиб, озиб кетади. Агар озуқалар уюлган ҳолда сақланса, намликни шидини олиш учун чоралар кўриш керак ва озуқа моддаллари бир-бирига аралашиб кетмаслиги учун алоҳида-алоҳида бўлинмалар қилиниши керак.

Озуқаларни сақлайдиган омборларни тайёрлашда озуқаларнинг оғирлиги эмас, балки уларнинг ҳажми интиборга олиниши керак. Баъзи дағал ва концентрат озуқаларнинг 1 тоннадаги ҳажмлари жадвалда келтирилган.

Баъзи дағал ва концентрат озуқаларнинг 1 тоннадаги ҳажмлари

Озуқалар	Ҳажми (м ³)		Озуқалар	Ҳажми (м ³)
Ииғилган сомон	20-30		Арпа	1,5-1,7
Ииғилган пичан	15-20		Бугдой	1,2-1,4
Ииғилган беда	13-15		Жавдар	1,2-1,5
Прессланган сомон	6-10		Кепак	1,4-1,6
Прессланган пичан	6-7		Жухори ёрмаси	2,0-2,5
Прессланган беда	8-10		Силос	1,2-1,4

■ I ОЗУҚА ЗАХИРАСИНИ ҲИСОБЛАШ

Боқиш пайтида чорва молларига бериладиган дағал ем-хашак, концентрат, ширали озуқалар миқдори чорвалар сонига, семириш давомийлиги ва тана вазнига қараб фарқ қилиши керак. Захирага олинадиган озуқа миқдори ҳисобланган озуқа миқдоридан 10 фоиз кўпроқ бўлиши керак. Чунки заиф чорва моллари ҳолатига қараб 10 фоиздан ортиқ озуқа истеъмол қилиши мумкин. Боқишдан олдин озуқа захирасини яхшилаш керак. Айниқса, дағал ем доимо захирада бўлиши керак.

Умумий йиллик ем-хашакка бўлган талабни ҳисоблашда ем-хашакларнинг сақлаш даврида исроф бўлиши ҳамда Ўзбекистон шароитида қишки мавсум 100 кун ва ёзги мавсум 200 кун давом этишини ҳисобга олиш керак.

Масалан, боқиш учун ўртача вазни 150 килограмм бўлган 50 бош ва буқаларни оламиз дейлик. Боқиш пайтида чорва молларига семирадиган ем-хашак, арпа ва сомон берайлик. Семиртириш жараёни 180 кун давом этсин ва тана вазнида 350 килограммга етганда сўйишимиз керак.

Ушбу чорва молларига бериладиган озуқа захираси қуйидагича ҳисобланади. Агар боқишнинг бошида ва охирида чорва молининг тана вазни қўшилса, у $150+350=500$ килограммни ташкил қилади. Агар биз буни 2 га бўлсак, у 250 килограммни ташкил қилади. Яъни биз боқишнинг бошидан охиригача 250 килограмм тана вазнига эри-

чорва молларини боқамиз. **Омборда сақланадиган озуқа миқдори:**

$3,5 \text{ кг} \times 180 \text{ кун} \times 50 \text{ бош} = 31,500 \text{ кг} \times 10 \text{ фоиз кўпроқ} = 46,650 \text{ кг.}$

Демак, қарийб 35 тонна озуқани захиралаш керак.

Омборда сақланадиган арпа миқдори:

$1,5 \text{ кг} \times 180 \text{ кун} \times 50 \text{ бош} = 13,500 \text{ кг} \times 10 \text{ фоиз кўпроқ} = 16,850 \text{ кг.}$

Демак, тахминан 15 тонна арпа захиралаш керак.

Омборда сақланадиган сомон миқдори:

$1,5 \text{ кг} \times 180 \text{ кун} \times 50 \text{ бош} = 13,500 \text{ кг} \times 10 \text{ фоиз кўпроқ} = 16,850 \text{ кг.}$

Демак, тахминан 15 тонна сомонни захиралаш керак.

■ I ҚОРАМОЛЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ ТАРТИБИ

Гушт учун боқиладиган қорамолларнинг кунлик озуқаси кунига икки маҳал, эрталаб ва кечқурун берилиши керак. Кунига 3 маҳал озиқлантириш ҳам ишни нўпайтиради, ҳам молларнинг кавш қайтариши учун вақтини қисқартиради. Кунига бир маҳал овқат берилса, оч қолган моллар бирданига зиқага кўп миқдорда истеъмол қилади, тез озиқланиши оқибатида озуқа тикилиб қолишга ёки дамлаб қолишига сабаб бўлади ва кунда бир маҳал озиқлантирилганда ошқозонидаги микроорганизмларнинг ўлиши натижасида, ошқозон бузилиши келиб чиқади.

Агар озуқа ҳар доим чорва молларининг олдида бўлса, озуқа истеъмоли ва озуқа йўқолиши ошади. Шунинг учун кунига 2 маҳал озиқлантириш яхши самара беради.

Озиқлантириш ҳар куни бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши керак ва бу соатларни иложи борича ўзгартирмаслик керак.

Чорва ҳайвонларига моғорлаган, бузилган, хидланган ва ачиган озуқалар берилмаслиги керак. Доимий бериладиган озуқалардан ташқари, озиқ-овқат қолдиқлари, мева қолдиқлари, нон қолдиқлари, карам, кўкпиез ва исмалсоқ каби бозор қолдиқлари жуда кўп бўлмаган миқдорда ва уларга одатланиб қолмайдиган даражада берилиши мумкин.

Бўрдоқига боқиш муддати молнинг ёшига ва семизлик даражасига қараб 70–80 кундан 110–120 кунгача бўлиши мумкин. Бу бўрдоқи даврини шартли равишда 3 босқичга бўлинади. Молнинг семизлиги ортган сари бир кг семириши учун тобора кўпроқ энергия талаб қилади. 1 кг семириши учун ёш моллар бўрдоқининг биринчи даврига қараганда иккинчи даврида 0,5 кг, учинчи даврида эса 1,0 кг озуқа бирлиги кўп сарфлайди. Ёши катта моллар эса II даврида – 0,8, III даврида – 1,5 кг озуқа бирлигини I даврига нисбатан кўп сарфлайди. Шунинг учун қорамолларни бўрдоқига боқишда I даврида иложи борича кўпроқ ширали, дағал озуқалар ва сенаж бериб, концентрат озуқани эса тежаш керак. Бўрдоқининг учинчи даврида эса қорамоллар анча семирган бўлиб, дағал, ширали озуқаларни ва сенажни яхши истеъмол қилмайди.

Бу вақтда рационда кўпроқ хилма-хил концентрат озуқалар бўлиши керак. Бўрдоқига боқишда айниқса, ёш молнинг ўсиш қонуниятларидан ва семиришига бўлган қобилиятидан тўла фойдаланиш учун уларни қисқа вақтда жадал боқиб семиртириш керак. Шунинг учун кунлик семиришини 0,8 кг дан кам режалаштирилмайдиган рационлар асосида боқиш керак. Акс ҳолда бўрдоқи даври

тузилиб кетиб, 1 кг семириши учун кўп озуқа бирлиги сарф қилинади, бу эса пировардида етиштирилган гўшт таннархининг қимматлашиб кетишига олиб келади.

Бўрдоқига боқишда хўжалиқда мавжуд бўлган силос, сенаж ва бошқа ҳажмдор озуқалардан кенг фойдаланилади. Қийси озуқа асосий ҳисобланса бўрдоқининг I даврида рацион тўйимлилигининг асосий қисми шу озуқа ҳисобига тўлдирилади. Дағал озуқа эса 100 кг массасига 1,0–1,5 кг атрофида бериледи. Бизнинг шароитимизда силос ёки сенаж билан бўрдоқига боқиш тизимини қўллашнинг имкони бор. Бунда рацион тўйимлилигининг бўрдоқи даврлари учун ўртача 35–45% силос ёки сенаж, 15–20% дағал озуқа ва қолган 40–45% ни концентрат озуқалар ташкил қилиши мумкин. Хўжалиқда қўлланилаётган дағал, ширали озуқаларнинг сифати яхши бўлганда (I синф) концентрат озуқалардан бўрдоқидаги мол учун (маккажўхори, арпа сингари дон ёрмалари, буғдой кепаси ва шротлар) бўрдоқининг I даврида 10–15%, II даврида 15–20% ва III даврида 35–40% рацион тўйимлилиги миқдоридан олиш мумкин. Агарда бўрдоқчиликни ташкил қилишда асосий озуқалардан фойдаланишга имкон бўлмаган тақдирда, ҳар қил озуқа манбаларидан фойдаланиб, рацион тузилади. Бунда рационнинг тўйимлилиги жиҳатидан даврлар бўйича таркиби қуйида келтирилган.

БИЛАСИЗМИ?

Боқишга олинадиган чорва моллари учун қулай шароит яратиш, семиртириш, охирида сотиш, яйловда ўтлатиш керак ёки керакмаслиги каби мезонларни ҳисобга олган ҳолда семиртириш вақти танланади. Чорва молларини қиш ойларида семиртириш афзал ҳисоблансада, лекин бу жараённи йилнинг исталган мавсумида амалга ошириш мумкин.

Қорамолларни бўрдоқига боқиш учун даврлар бўйича рационнинг таркиби (тўйимлилигидан % ҳисобида)

Озуқа тури	I давр	II давр	III давр
Сенаж ва дағал озуқалар	30-35	30	20-25
Ширали озуқалар	50-55	45-50	35-40
Концентрат озуқалар	10-15	20-25	40

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамолларни бўрдоқилаш технологияси

Қорамол гушти ишлаб чиқаришнинг улкан захираси шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида молларни бўрдоқилаш технологиясини жорий этиш асосида ишга солинади.

Молларни бўрдоқилаш энгил типдаги бинолар ва айвон-бостирмаларда, озиқлантириш эса хўжалиқда жамғарилган пичан, сомон, пахта шелухаси, шрот, кепак, озиқ-овқат, боғ полиз ва сабзавот чиқиндиларида ўтказилади.

Гуштга боқишда 150-180 килограммли ёш моллар танлаб олинади. Парваришlash ва бўрдоқилаш муддати молларнинг зоти, семизлик даражаси ва ёшига боғлиқ бўлади. Парваришlash

муддати 7-8 ой ва бўрдоқилаш 4-5 ой давом этиши мумкин. Молларни ёз ойларида яйловларда боқиш имкониятига эга бўлган хўжаликлар уларни яйловда семиртириб, сўнгра сентябрь - октябрь ойларида 300-350 килограммга етганларини бўрдоқига бойлашлари лозим. Бўрдоқилаш даврида уларнинг вазни 400-450 килограммга етади. Ёш молларни гўштга парваришлашда рационнинг 75-80 фоизини дағал ва ширали озуқалар, 20-25 фоизини турли концентрат озуқалар ташкил қилади. Бўрдоқилаш даврида концентрат озуқалар салмоғи 45-50 фоизгача оширилади. Ёш молларни гўштга парваришлаш ва бўрдоқилаш параметрлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ўртача кунлик семириш 800 грамм бўлган қорамоллар рациони

Озуқалар	Молларнинг ёши, ой			
	10-12	13-15	16-18	19-21
	Тирик вазни, кг			
	180-250	251-320	321-395	396-470
Маккажўхори-сомон силоси (1:1), кг	15	18	21	25
Омихта ем, кг	1,5	3,8	4,5	4,6
Ош тузи				
Рационнинг тўйимлилиги:				
Озуқа бирлиги	6,7	7,0	8,0	9,0
Қуруқ модда, кг	6,7	7,7	8,8	10,1
Алмашинувчи энергия, МДж	70	79	89	102
Ҳазмланувчи протеин, г	560	632	704	800

Тирик вазни 1 кг ўзгаришига 10-12 ойлигида 8,4 озуқа бирлиги, 13-15 ойлигида 8,8, 16-18 ойлигида 10,0 ва 19-21 ойлигида 11,3 озуқа бирлиги сарфланади. 1 озуқа бирлиги ҳисобига 88-90 граммдан ҳазмланувчи протеин тўғри келади.

Тирик вазнининг мутлоқ ўсиши 290 килограммни ва ўртача кунлик ўсиши 800 граммни ташкил этади. 360 кунлик гўштга боқиш муддатида бир молга ўртача 6750 кг сенаж ва 765 килограмм концентрат озуқалар сарфланади.

Ёши катта қорамолларни бўрдоқилаш

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде брак қилинган сигир ва буқаларни бўрдоқилаш гўшт етиштиришни кўпайтиради. Бўрдоқига қўйишда уларнинг вазни ва семизлик даражаси эътиборга олинади. Бўрдоқилаш 60-90 кун мобайнида кунлик вазн ўсишининг камида 800 граммдан таъмин этадиган озуқаларда амалга оширилади. Ўзбекистоннинг озуқа захираси ва ундан самарали фойдаланишда сигир ва буқаларни пахта шелухаси, бугдой сомони, силос ва сенажда бўрдоқилаш маъқул.

Сигир ва буқаларни силос-сомонда бўрдоқилаш (тирик вазни 350-400 кг, ўртача кунлик вазн ўсиши 800-1000 г)

Озуқа	Силос-сомонда			
	Бўрдоқилаш даври, кун			Бўр-доқи-лаш даври-даги жами озуқа, ц
	Бошлани-ши, 25	Ўрта-си, 25	Яқуни, 30	
Пахта шелухаси, кг				
Силос, кг	38,0	35,0	35,0	26,35
Сомон, кг	4,0	4,0	3,0	2,90
Пичан, кг				
Концентратлар, кг	1,7	2,5	3,0	1,95
Ош тузи, г	50	50	55	0,05
Озуқа фосфати, г	70	80	85	0,08
Озуқалар тўйимлилиги:				
Озуқа бирлиги	9,9	10,0	10,3	7,59
Қуруқ модда, кг	14,3	14,2	13,8	10,66
Алмашинувчи энергия, МДж	125	126	126	94,57
Ҳазмланувчи протеин, г	825	900	965	0,69

Катта шахарлар атрофида жойлашган аҳоли хўжаликларида моллар пиво ва вино тайёрлашдаги чиқиндилар (барда) бериб семиртирилади.

■ I ЧОРВА МОЛЛАРИНИ СУҒОРИШ

Чорвачиликда сувга бўлган эҳтиёж ҳам муҳимдир, ҳайвонларга бериладиган сув тоза ва ичишга яроқли бўлиши керак. Иложи бўлса, ҳар доим чорва молларининг олдида тоза сув бўлиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, суғориш кунига камида икки марта амалга оширилиши керак.

Суғориш ҳар куну бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши керак ва бу соатларни иложи борича ўзгартирмаслик керак. Чорва молларининг кунлик сув истеъмоли уларнинг тана вазни, атроф-муҳит ҳарорати ва озуқа таркибидаги сув миқдорига қараб ўзгаради.

Чорва моллари рациондаги ҳар бир килограмм қуруқ моддаси учун 4-5 литр сув талаб қилади. Ичимлик суви ҳарорати $+4^{\circ}\text{C}$ дан $+20^{\circ}\text{C}$ гача бўлганлиги маъқул. Ҳавонинг ҳарорати 20°C бўлганида, тана вазни 200 килограмм бўлган чорвага 30 литр сув керак, тана вазни 300 килограмм бўлган чорвага 37 литр, тана вазни 400 килограмм бўлган чорваларга 45 литр сув керак бўлади.

Чорва моллари яшил ўтлар, силос ва шелуха каби сувли ўт истеъмол қилганда камроқ сув ичади, фақат тўйинтирилган ёки қуруқ ўт истеъмол қилганда кўпроқ сув ичади.



Қорамолларни сув билан таъминлаш

■ | БЎРДОҚИЛАШ ДАВРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ ОЗУҚАЛАР

Молларни боқиш пайтида ишлатиладиган озуқалар 4 гуруҳга бўлинади:

- 1-концентрат озуқалар
- 2-дағал озуқалар
- 3-ширали озуқалар
- 4-қўшимча озуқа моддалари

Концентрат (ем) озуқалар – бошоқли, дуккакли экинлар, маккажўхори, оқ жўхори ва бошқа ўсимликлар дони, кунжара, шрот, кепак ва омихта емлар турларига бўлинади. Ушбу озуқаларни етарли миқдорда ва сифатли ишлаб

чиқаришдагина чорвачиликни жадал ривожлантиришга эришилади. Чунки, улар таркибида катта миқдорда енгил ҳазмланувчи озуқ моддалари мавжуд. Дон маҳсулотларидан тайёрланган омихта емлар, шрот ва кунжара асосий емлардан ҳисобланади.

Ем озуқалар тўйимлик қийматини эътиборга олган ҳолда моллар рационига қуйидаги миқдорда (% тўйимлиги бўйича) киритиш мақбул: – соғин сигирлар ва 6 ойлик бузоқлар рационига–25-30%, ёш молларга (12-18 ойлик) – 10-15%, бўрдоқидаги катта молларга 20-30%. 1 ц сут ишлаб чиқариш учун–20-30 кг ва 1 ц мол гўшти учун 200 килограммгача ем озуқалари сарфланади.

Юқори миқдордаги концентрат озуқалар билан озиклантириш салбий ҳолатларга олиб келади. Ҳайвонларда оқсил ва минерал алмашинуви бузилади, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларнинг касалланиши кузатилади, сигирларнинг урчиш функцияси пасаяди, катта ошқозон суюқлигининг кислоталиги кўтарилади, пропион кислотаси тўпланади. Сирка кислотасининг ҳосил бўлиши кескин пасаяди ва сутнинг таркибида ёғ миқдори (0,4-0,5 фоизга) камаяди.

Донли емлар молларга бериш учун қуйидаги усулларда қайта тайёрланади: майдалаб ёрма ҳолатга келтириш, эзиб парчалаш ва ҳоказо.

Бўғдой кепаги барча чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. Қорамолчиликда нисбатан кўп ишлатилади. Кепак дон қобиғи, ун ва муртакнинг майда заррачаларини ўз ичига олади. Майдаланган меъёри бўйича йирик ва майда кепакларга бўлинади. Унинг тўйимлилиги таркибидаги ун заррачаларининг миқдори билан боғлиқ. Кепакнинг таркибида қанча дон қобиғи заррачалари кўп бўлса, тўйимлилиги шунча паст бўлади. Уртача 10-12 фоизди

протеин ва 9-11 фоизда клетчатка мавжуд.

Пахта кунжараси пахта чигитидан ёғишлаб чиқаришда олинади. Тозаланган чигитдан олинган кунжара таркибида 40% протеин ва тозаланмаганида 17% мавжуд. Кунжара таркибида шелуха ва пахта чиқиндиларини бўлиши унинг тўйимлилик қийматини пасайтиради. Кунжара таркибида госсипол глюкозидининг бўлиши салбий ҳисобланади. Озод госсипол миқдори 0,003 дан 0,20 фоизгача бўлиши мумкин. Госсипол молларни захарлайди. Шу боисдан пахта кунжараси қорамолларга меъёрида (1-3 кг) берилади. Кунжара молларга беришдан олдин майдаланади (3-4 мм) ва бошқа озуқалар билан алмаштирилиб берилади.

Шрот – турли ёғли (зиғир, рапс, кунгабоқар, соя ва ҳоказо) ўсимликлар донидан ва пахта чигитидан ёғни ажратиб олишдаги чиқинди бўлиб, қийматли озуқа ҳисобланади. Улар таркибида 1-3 фоизда ёғ моддаси мавжуд ва протеинга бой. Молларга оқсил озуқаси сифатида берилади. Улар таркибида турли захарловчи моддаларнинг мавжудлиги сабабли моллар рационига кам (1-3 кг) миқдорда қўшилади. Бузоқлар рационига 3-4 ойлигидан бир кунда 100 грамм қўшиш мумкин.

Омихта емлар турли озуқавий маҳсулотлардан махсус рецепт бўйича тайёрланган, керакли озуқа моддалари, минерал тузлар ва витаминлар билан баланслаштирилган аралашма концентрат озуқа.

Одатдаги концентрат (емлар) озуқа таркибидаги озуқа моддалари ҳайвон талабини қондирмайди.

Омихта емларга қўшилган бир озуқа турларида етишмайдиган озуқа моддалари иккинчи ва учинчилари билан тўлдирилади. Натижада, юқори озиклантириш

қийматига эга бўлган омихта ем шаклланади. Омихта емларни сигирларга беришда сут соғими 10-20 фоизга кўтарилади. Сут ҳосил қилишдаги озуқалар харажати 7-15 фоизга камаяди.

Омихта емлар махсус заводларда буюртма берилган рецепт бўйича тайёрланади. Сигирларга, бузоқларга, ёш молларга, бошқа турдаги ҳайвонлар ва паррандаларга едирилади.

Пахта шелухаси. Пахта чигитини қайта ишлашда ундан 30 фоизгача шелуха чиқади. Унда 3-6% протеин, 1-1,5% ёғ ва 40% клетчатка мавжуд. 1 кг шелуханинг тўйимлилиги 0,14-0,31 озуқа бирлигига тенг. Шелуха кўпинча молларни бўрдоқилашда ишлатилади. Дағал озуқалар етишмаслигида бошқа гуруҳдаги молларга ҳам бериш мумкин. Бўрдоқилашдаги новвослар рационига 12-15 килограмм ва сигирлар рационига 5-6 килограммдан кўшиш кифоя.

Дағал озуқалар – пичан, сомон, похол ва турли ўсимликлар барги ва пояси хажмли озуқалар ҳисобланиб, таркибида кўп миқдорда (30-40 фоизгача) клетчатка мавжуд. Уларнинг кўп қисми ҳазм бўлмайди. Дағал озуқаларнинг тўйимлилиги қиймати катта ўзгарувчанликда, уларни ўриб олиш усули, вақти, муддати (шоналаганда, гуллаганда ва ундан сўнг) ва сақлаш усулига боғлиқ.

Сомоннинг озуқавий қиймати жуда паст, унинг озуқавий қийматини ошириш учун уни натрий гидроксиди, аммиак ва карбамид каби кимёвий моддалар билан қайта ишлаш керак.



Сомонни хушхўрлаш

(яхши истеъмол қилиш ҳолатига келтириш).

Хушхўрлаш натижасида сомон майин бўлади ва моллар иштаҳа билан ейди. Бу усулда сомонга барда, пиво туппаси ёки 1 % шўрликдаги қайноқ сув қўшилади. 1 ц сомонга 100-120 л суюқлик кифоя қилади.

Аралаштирилган озуқанинг намлиги 70 фоиздан ошмаслиги керак.

Сомонга кимёвий усулда ишлов бериш. Физикавий ва биологик усулларга нисбатан самарали ҳисобланади. Дағал озуқалар юмшайди, унинг тўйимлилиги ва ҳазмланиши ошади. Лигнинни қисман парчалаш билан биргаликда ошқозонда жойлашган целлюлозани парчалайдиган

бактериялар иш фаолиятини жадаллаштиради. Кимёвий ишлов бериш ишқорли муҳитни ташкил қилади. Бу бактериялар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

БИЛАСИЗМИ?

Майдаланган сомонни илдизмевали озучалар, силос, лавлаги жомига (туппасига) ва бошқа ширали озучаларга аралаштириб бериш яхши натижа беради.

Оҳак суви билан ишлов бериш ёки кальцийлаштиришда сомоннинг умумий тўйимлиги кўтарилади ва кальций тузлари билан бойитилади. Сомонни кальцийлаштиришда кальций оксиди 90-95 фоиз бўлган сўндирилмаган оҳакдан фойдаланилади. Сомонга қўшиладиган оҳак 6% гача миқдорда бўлиб, намлиги бўйича 3-4 кун сақлаганда сомон массаси юмшайди ва толали холга келиб ёқимли ҳид олади. Уни тўғридан-тўғри молларга бериш мумкин. Қорамолларга намлик ҳолатида 25 килограммгача (5-7 кг қуруқ ҳолатига) ва бир ёшдан юқори бўлган ёш молларга 15 килограммгача (3-4 кг қуруқ ҳолат) берилади.

Сомонни силослаш. Юқори (80-85%) намликда ўрилган оралиқ экинлар ва маккажўхори кўк массасини силослашда сомонқўшилиббосилади. Айниқса, оралиқозуқабоп экинларни (май ойининг I декадасида) ва такрорий маккажўхорини силосга босишда қўл келади. Натижа силос массасидаги намлик камаяди ва тўйимли моддаларни йўқотишнинг олди олинади. Кўк силос массасига сомон аралаштирилади ёки қаватма-қават қилиб бостирилади, 1 ц кўк массага 20 кг сомон қўшилади. Оралиқ экинлар ва маккажўхорининг кўк массаси СК-2,6 русумли комбайнлар билан ўрилиб, самосвал машиналарга ортиб силослаш жойига ташиб келтирилади.

Яхши сифатли сомон-оралиқ экин ёки сомон-маккажўхори силосини соғин сигирлар 40 килограммгача истеъмол қилади. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирларга 100 килограмм тирик вазни ҳисобидан 3-4 килограммдан силос бериш мумкин. 2 ойлик бузоқларга 2-3 кг, 3-ойликларига 8 килограммгача, 12 ойликларига 15 килограммгача, 1 ёшдан юқориларига 15 кг ва ундан кўп берилади. Сомон силоси берилганда моллар рационига албатта минерал қўшимчаларни ош тузи ва мел қўшиш лозим.

Ширали озуқалар. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ширали озуқалардан кўк ўтлар, илдизмевали, силос ва сенаж озуқаларини истеъмол қилади. Ширали озуқалар таркибида 65-90 % сув, нисбатан кам оқсил, ёғ, клетчатка ва кўп А, В, С витаминлари мавжуд. Ширали озуқаларнинг қуруқ моддасини асосан крахмал ва қанд ташкил қилади.



Силос Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ширали озуқалардан кўк ўтлар, илдизмевали, силос ва сенаж озуқаларини истеъмол қилади. Ширали озуқалар таркибида 65-90% сув, нисбатан кам оқсил, ёғ, клетчатка ва кўп А, В, С

витаминлари мавжуд. Ширали озуқаларнинг қуруқ моддасини асосан крахмал ва қанд ташкил қилади.

Сенаж — ўрилиб, далада сўлитилган, намлиги 45-55 фоиздаги ўтлардан анаэроб (ҳавосиз) шароитда консервация усулида тайёрланган озуқа. Юқори сифатли сенаж озуқавий ва биологик қиймати бўйича янги ўриб олинган ўтга яқинлашади. Қорамолларни йил давомида бир хил озиқлантириш типига (силос-сенажи, сенаж-

силос-пичан) ўтишда сенаж озуқасини етиштириш янада жадаллашади. Ушбу озуқа бир ва кўп йиллик ўтлар ҳамда оралиқ озуқабоп экинлардан тайёрланади. Такрорлаш усули қулай бўлиб, озиқ моддаларини сақланиши бўйича силос ва пичан оралиғида туради. Кўпчилик бактериялар учун сўлитилган ўтдаги намликни етишмаслиги натижасида сенажни консервация қилишга эришилади. Келтирилган намлигига қадар сўлитилган массада чиритувчи ва ёт-нордон бактериялари суст ривожланади. Сут-нордон бактерияларнинг фаолияти ҳам кескин пасаяди. Шў боисдан сенажда силосга нисбатан сут-нордон ачиш секин ўтади ва масса кам нордонлашади.

Илдиз мевали озуқалар. Ўзбекистон хўжаликларида илдизмевалилардан асосан хашаки ёки нимқанд лавлаги ишлатилади. Унинг таркибида қуруқ модда миқдори 12 фоизгача ва асосан углеводлар (қанд ва пектин моддаси) дан ташкил топган. Клетчатка миқдори 1,2 фоизга тенг. Лавлаги қуруқ моддаси яхши ҳазм бўлади ва соғин сигирлар учун қимматли озуқа ҳисобланади. Рационнинг таъмини оширади ва ҳазмланишига ижобий таъсир кўрсатади. Лавлаги таркибида протеин (1-2%), ёғ, кальций, фосфор (0,3-0,4%) миқдори кам. Лекин витамин С га бой. Соғин сигирларга кун мобайнида 30-35 килограммгача (уч маҳал 10 килограмдан) лавлаги бериш мумкин. Лавлаги билан озуқлантирилганда пичан, оқсилли озуқалар ва минерал қўшимчаларини бериш лозим.

Махсус қўшимчалар. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини деталлаштирилган норма ва мувозанатлаштирилган рационлар билан боқишда рационлар таркибида етишмаган моддалар билан таъминлаш учун ҳар хил препаратлар, премикслар ва бошқа

саноат усулида тайёрланган аралашмалар қўлланмоқда. Бу моддаларни антибиотиклар, гормонлар, ранг берувчи ва тампонловчи моддалар қаторига киритиш мумкин.

■ | ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ СОҒЛИГИ

Чорва молининг умумий кўриниши, танасининг тузилиш шакли, юриши, овози ва тегинишга бўлган муносабати, кўзларининг ёниб туриши, юнларининг ёрқинлиги, бурун учининг намлиги, кавш қайтариш ҳолати, иштаҳаси, оғиз, бурун, кўз ва анал тешигидан келадиган суюқликка қараб чорва молининг умумий соғлиғи ҳақида яқуний фикрга келинади.

Заифлашган, юриш пайтида оқсоқланадиган, йўтал бўлган, жағ ости, олд ва орқа оёқ орасидаги лимфа тугунлари шишган ёки қаттиқ бўлса, яъни касал деб гумон қилинган ҳайвонларни сотиб олиш керак эмас.

Чорва молларини харид қилаётганда ва ташиш пайтида келиб чиқиши тўғрисидаги гувоҳнома ва ветеринар хулосаси олиниши керак, агар мавжуд бўлса, чорва молларининг касалликларга қарши эмланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам талаб қилиш керак.

■ | ЧОРВА МОЛЛАРИДА УЧРАЙДИГАН БАЪЗИ КАСАЛЛИКЛАР

Чорва моллари орасида учрайдиган бир қатор юқумли касалликлар борки, уларнинг олдини олиш ва хавфсизлик чораларини кўриш лозим.

Куйдирги касаллиги. Бу касаллик ўткир юқумли касаллик ҳисобланади ва ҳайвонларнинг барча турларига, шунингдек, одамга ҳам юқади.

Бу касалликда ҳайвон жуда ҳам бўшашиб, иштаҳаси йўқолади, тана ҳарорати 41-42,5 °C га кўтарилади, шиллик пардалари кўкаради, ҳайвон ҳаллослайди. Кўпларининг терисида шишлар пайдо бўлади, қорамол вақти-вақти билан безовталанади, ич кетиши ва сийдик қизариши каби клиник белгилар намоён бўлади.

Бруцеллёз касаллиги (қораоқсоқ касаллиги). Мазкур касалликда ҳайвонларда ҳомила тушиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши касаллик белгилари ҳисобланади. Ҳомиланинг тушиши кўпгина ҳолларда бўғозликнинг иккинчи ярмида кузатилади, касаллик инсонга юқади.

Бундай белги билан касалланган ҳайвонларга аниқ диагноз қўйилгунча сутини истеъмол қилмасдан туриш керак.

Туберкулёз (сил) касаллиги. Туберкулёз касаллиги сурункали ўтувчи характерли бўлиб, организмнинг ўпқа, ичак, лимфа тугунларида ўзига хос турдаги туберкула тугунакларини ҳосил қилади, бу касаллик билан инсонлар ҳам касалланади.

Қутуриш касаллиги. Бу касаллик билан барча турдаги иссиқ қонли ҳайвонлар, шунингдек, одамлар ҳам касалланади.

Касаллик белгилари кўпчилик ҳайвонларда ўхшаш бўлиб, кўзғалувчанликнинг ортиши, атрофга жавоб рефлексларининг бузилиши, иштаҳасизлик, еб бўлмайдиган нарсаларни тишлаши, кўплаб сўлак ажратиши билан характерланади. Бу ҳолат 2 кун давом этиб, ҳайвоннинг шол бўлиб ўлиши билан яқунланади.

Оқсил касаллиги. Мазкур касаллик қорамолларда оғир кечувчи хусусиятга эга, касаллик оғиз бўшлиғи шиллик

қаватларида, елин терисида ва оёқларда яраларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади.

Қорасон касаллиги. Бу касаллик 3 ойликдан 4 ёшгача бўлган қорамолларда кўп учрайди.

Касал молнинг тана ҳарорати кўтарилади, мускулли қисмларидаги шишган жойларда оғриқ ва ғижирлаш пайдо бўлади, ҳайвон 1-3 кун давомида нобуд бўлади.

Сальмонеллёз касаллиги. Касаллик билан бузоқлар 10 кунлигидан икки ойликкача зарарланади. Касаллик сут, овқат орқали ва нафас олиш жараёнида юқиши мумкин.

Касал бузоқларда лоҳасланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бел қисмининг букчайиши, кўзларининг ярим юмилиши ва ёш оқиши, ич кетиши, жунининг хурпайиши каби белгилар кузатилади.

Метрит касаллиги. Бу касаллик бачадоннинг яллиғланиш касаллиги бўлиб, сигирларда кенг тарқалган ва турли кўринишларда кечади. Касаллик бачадоннинг шикастланиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши ва бачадонга микроб тушиши натижасида келиб чиқади.

Касалланган молларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, нафас олиш ҳамда юрак уриши тезлигининг ортиши, иштаҳа йўқолиши, инграш ва букчайиш каби аломатлар намоён бўлади.

Мастит касаллиги. Сут безларининг бир қанча турдаги бактериялар томонидан зарарланишидир. Сут безидаги яллиғланиш даражасига қараб касаллик белгилари ҳар хил бўлади.

Касалликнинг оғир кўринишларида елин шишиб кетади, унинг касалланган маҳаллий қисмларида ҳарорат кўтарилади, кучли оғриқ пайдо бўлади, натижада сигирнинг иштаҳаси йўқолади. Сурункали кўринишларида эса елин

паллаларидан бири ёки бир нечтаси шишган ҳолатда бўлиб, сут ўзига хос бўлмаган ириган кўринишда бўлади.

Туёқ касаллиги. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб-туёқнинг шикастланиши, туёқлар орасидаги терининг ёрилиши ёки шилиниши каби ҳолларда, шу жойга бактериялар тушиб зарарлайди ва касаллик келиб чиқади.

Касалликда молда борган сари оғирлашадиган оқсоқлик пайдо бўлади, туёқ атрофида шиш ҳосил бўлади, қўланса ҳид пайдо бўлади. Касаллик инфекциясининг оёқ бўғимларига ўтиши оқибатида мол нобуд бўлиши мумкин.

Қон-паразитар касалликлари республикаимиз ҳудудиди кўп учрайди. Касаллик яйлов каналари томонидан юқади. Касалланган ҳайвонларда тана ҳарорати кўтарилади, иштаҳаси йўқолади, қон камаяди (анемия), сийдик тўқ қизил тусга киради, шиллиқ пардалар сарғаяди.

■ I Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони
2. Мирзиёев Ш. 2019 йил 18 мартдаги. "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4243-сон қарори
3. Мирзиёев Ш. 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 - сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш. 2017 йил 16 мартдаги "Чорвачилиқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2841-сон қарори.
5. Туркия Республикаси "Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги" ҳамда "Denizbank" ҳамкорлигида тайёрланган "100 та китоб"дан иборат тўплами.
6. Носиров У.Н., Мақсудов И., Досмухамедова М.Х. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари. – Тошкент, 2016.
7. Носиров У.Н. Қорамолчилик. – Тошкент, 2001.
8. Ҳамрақулов Р., Карибаев К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш. – Тошкент, 1999.
9. Ҳамидов Х.А., Катц М. Деҳқон хўжаликларида қорамолларни парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича амалий тавсиялар. – Тошкент, 2011.
10. Ҳамидов Х.А. Ветеринария амалий маслаҳатлар. – Тошкент, 2011.

10,000 сўм

45/46
Ч 77

Қорамолларни парваришlash [Матн] : илмий нашр
«Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 104 с.

ISBN 978-9943-7172-4-4

УЎК 636
КБК 45/46

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ҚОРАМОЛЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

68-китоб

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусахҳих:

М. Тоиров

Компьютерда тайёрловчилар:

З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидахмадов

Дизайнер:

Д. Иванов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 10.000 нусха. Буюртма рақами: 2259

Нашриёт уйи “Тасвир”

Тошкент – 2021

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.

AGROBANK



www.agrobank.uz



@agrobankchannel



1216



/agrobankuzbekistan

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш
қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7172-4-4



9 789943 717244